БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 194 (17.774). • 23 август 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАРЛАРИМИЗ— ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА!

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар Руминия фашистлар зулмидан озод этилган кунининг 36 йиллиги муносабати билан Руминия Коммунистик партияси Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти ўртоқ Николае Чаушескуга, Руминия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Илие Вердецга табрик телеграммаси юбордилар.

Телеграммада бундай дейилади:

Совет Армияси Руминиядаги фашист қўшинларини тормор қилганлиги ҳамда совет қўшинларининг ғолибона ҳужуми шароитида Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилган 1944 йил 23 август қуролли қўзғолони румин халқининг фашизм зулмидан озод бўлишига олиб келди. Мамлакатдаги антиимпериалистик халқ революциясига, туб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларга асос солинди.

Руминия меҳнаткашлари коммунистлар раҳбарлигида Совет Иттифоқи билан ва бошқа қардош мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорликка таяниб, тарихан қисқа муддат ичида социализм асосларини қурдилар ва ҳозирги вақтда ривожланган социалистик жамият қурилишининг янги марраларини белгилаган РКП XII съезди қарорларини амалга оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР ҳукумати социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини, халқаро майдондаги баҳамжиҳат ҳаракатларини мустаҳкамлаш йўлига муттасил амал қилиб, Руминия Социалистик Республикаси билан ҳар томонлама дўстона алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун изчиллик билан ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Социализм мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш, уларнинг биргаликдаги ташкилотлари — Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашининг фаолияти — тинчлик ва тараққиёт ишига пишиқпухта хизмат қилади, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети май кенгашининг ҳужжатларида баён этилган ҳамда халқаро ривожланишдаги кескинлик манбаларини ва барча халқлар учун хатарли тенденцияларни тугатишга қаратилган конкрет ва амалий тадбирлар программаси бунинг яққол далилидир.

СССР билан РСР ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида янада ривожлантириш мамлакатларимиз халқларининг, социалистик ҳамдўстликнинг, тинчлик ва социализм ишининг манфаатларига мос бўлиб тушади.

(ТАСС).

5 МИЛЛИОН 850 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» УЧУН

ДЕҲҚОН ЖАСОРАТИ

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ БОҒОТ РАЙОНИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ НАРИМАНОВ НОМЛИ КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕСИ ВА ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1980 ИИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ИИҒИБ-ТЕРИБ ЮҚОРИ СОРТЛАР БИЛАН ДАВЛАТГА ТОПШИРИШ, ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

Колхозимизда пахта ҳосилдорлиги йил сайин кўтарилаяпти, сорти яхшиланаяпти, план ва мажбуриятлар ортиғи билан бажарилаяпти, таннарх камайтирилаяпти, даромад кўпайиб, хўжаликнинг экономикаси мустаҳкамланаяпти, колхозчиларнинг шахсий даромадлари ортиб, турмуш фаровонлиги юксаляпти, қишлоқларимизни посёлка типида қайта қуриш поёнига етказиляпти.

Ўтган йили колхозимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 4,2 центнер кўтарилиб, 46,6 центнерга етказилди. Ўнинчи беш йиллик бошидан буён давлатга 36.077 тонна пахта сотилиб, тўрт йиллик план 109 процент бажарилди. Дон, чорва, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари сотиш план ва мажбуриятлари ҳам тўла ва ошириб адо этилди, келгуси ривожланишга мустаҳкам замин яратилди. КПСС XXV съезди қарорлари асосида белгилаган барча тадбирларимиз муваффақиятли амалга оширилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш ҳақидаги қарорига жавобан колхозимиз аъзолари 1980 йилда ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта етиштириш, она-Ватанга пландаги 8.250 тонна ўрнига 10 минг тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилдилар.

Колхозимиз бўйича уч бригада — Социалист и к Меҳнат Қаҳрамони Зариф Қурбонов, Давлат мукофоти лауреати Ҳожи Саидов, Худойберган Ҳусинов бошлиқ бригадаларн и н г аъзолари гектаридан 65 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олдилар. Қолган бригадаларимизнинг мажбуриятлари ҳам юқори. Демак, ҳар туп ғўзада 18—20 та тўқ кўсак бунёдга келтиришимиз керак. Бунинг учун парваришни терим бошлангунча давом эттирмоғимиз лозим.

Колхозимизда яхши анъана бор. Пахта терими бошлангунча маккажўхорини ўриб, дони ва поясини саранжомлаб оламиз, август ойи ичида давлатга сабзавот, полиз маҳсулотлари топшириш планларини бажарамиз, йиллик гўшт, сут, тухум тайёрлаш мажбуриятларининг бажарилишини охирлатиб қўямиз, чорва қишлови учун зарур бўлган ем-хашакни жамғариб оламиз. Чорва моллар туёқ сонини ошириш, маҳсулдорлигини кўтариш топшириқларининг бажарилишини яна бир карра кўздан кечириб, ютуқларни мустаҳкамлаш режаларини тузамиз. Якунловчи йилда хўжалигимиз бўйича белгиланган план ва мажбурият ортиғи билан бажарилмаган бирорта соҳа бўлмайди.

1980 йилги тадбирларимиз нималардан иборат? **5 сентябрда ғўза баргини сунъий усулда тўктиришни бошлаймиз ва агротехниканинг бу муҳим тадбирини беш иш кунида тугаллаймиз.** Сифатга алоҳида эътибор бериб, бир марта дори сепиш билан баргларнинг тўла тўкилишига эришиш учун химикатлар тонгги шабнам кўтарилмай туриб ҳамда кечки шабнам тушганда сепилишини таъминлаймиз.

Ўтган йили ялпи ҳосилнинг 72,4 процента машиналарда терилган эди. Бу йил камида 80 процентини терамиз. Далаларимизда 34 та терим машинаси ишлайди. Ҳар бир машинага 140—150 тонна мавсум нормаси белгиладик. Пешқадам механик-ҳайдовчиларимиздан Карим Қувоқов, Шомурод Нурматов, Ҳожи Қурбонов, Жумабой Бобожонов ва бошқалар ўз машиналарида 250—300 тоннадан пахта теришга сўз бердилар. Биз уларнинг ташаббусини маъқуллаб, ҳаммага ибрат қилиб кўрсатяпмиз. Шуни комил ишонч билан айтамизки, **хўжалигимиз бўйича мавсум топшириғини бажармаган бирорта механик-ҳайдовчи, тележкачи, юк ташиш трактирини бошқарувчи механизатор ҳам бўлмайди.** Азамат ремонтчиларимиз кўсак узадиган, чувийдиган, тўкилган пахтани терадиган механизм-агрегатларни ҳам тахт қилиб қўйдилар. Биз ҳамма техника воситаларини иложи борича икки сменада ишлатамиз.

Машиналарни унумли ишлатиш учун 5 сентябргача ҳамма майдонларни бегона ўтлардан яна бир карра тозалаймиз, айланиш майдончалари ҳозирлаймиз, суғориш тўхтатилиши билан ўқариқлар, шоҳариқлар, марзаларни текислаймиз, айланиш майдончаларидан ўриб олинган ғўзаларни сўнгги кўсаклари очилгунча кўз қорачиғидай сақлаймиз. Бутун терим давомида бир чаноқ пахтанинг нобуд бўлишига мутлақо йўл қўймаймиз.

Ипатоволиклар методи асосида тўртта терим-транспорт отряди туздик. Уларнинг ҳар бирига аниқ графиклар белгиладик. Терим даврида бирорта машинанинг бекор туриб қолишига йўл қўймаймиз, механик-ҳайдовчилар, транспорт ходимлари мусобақасини кучайтирамиз. Механизаторларга хизмат кўрсатиш мақсадида кўчма устахоналар ташкил қилдик. Ҳар бир отрядга правление ва партия комитети аъзоларидан масъул ташкилотчилар биркитдик.

◆ ГЕКТАРИДАН 50 ЦЕНТНЕРДАН ХИРМОН КЎТАРАМИЗ

◆ 80 ПРОЦЕНТ ПАХТАНИ МАШИНАЛАРДА ТЕРАМИЗ

◆ ҲОСИЛНИ ИЛОЖИ БОРИЧА, ЎЗ КУЧИМИЗ БИЛАН ИИҒИШТИРИБ ОЛАМИЗ

◆ ПЛАННИ 20 ИШ КУНИДА БАЖАРАМИЗ

Терилган пахта бункер-тележка-пункт усулида пешма-пеш тайёрлов ташкилотларига жўнатилади, хирмон жойларда ётиб қолишига йўл қўйилмайди. Машиналар билан тележкалар, юк ташувчи тракторлар иши бир-бирига уйғунлаштирилади. Илғор механизаторлар, транспорт ходимларининг тажрибаси кенг оммалаштирилади. Бирорта транспорт бекор туриб қолмайди.

Колхозимиз — уруғчилик хўжалиги. Тайёрлов пунктига топшириладиган уруғлик пахтани йилдан-йилга кўпайтиряпмиз. Бу давлатга ҳам, хўжалигимизга ҳам катта иқтисодий фойда келтиряпти. **Якунловчи йилда уруғлик пахтани ўтган йилдагидан 25 процент кўпайтирамиз. Уруғлик пахтани 5 сентябрдан теришга киришамиз.** Борлиқ пахтани иложи борича ўз кучимиз билан йиғиб-териб оламиз, йиллик планни 20 иш куни да бажарамиз деган ниятдамиз.

Колхозимиз бўйича ялпи ҳосилнинг 20 процентини теримчиларимиз терадилар. Ишга яроқли кишилар сонини аниқ белгилаб олдик. Ҳар бир бригадада неча теримчи қатнашиши, кунига қанча пахта теришини ҳисоблаб графиклар туздик. Графиклардан теримчилар, хашарчилар ҳам ҳабардор қилинди. **Ҳар бир теримчига кунига ўртача 50-60 килограмм норма белгиладик, уни ошириб бажарганлар қўшимча ҳақ ва мукофот оладилар. Терим авжга чиққан кезларда нормани янада оширамиз.**

Колхоз партия комитети пахта йиғим-терими даврида мусобақани бутун чоралар билан кучайтиради, оммавий-тарбиявий ишларни юқори поғонага кўтаради. Бугун бир киши ёки бир группа илғорлар эришган муваффақиятни эртага ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўради. Дала механизаторлари иссиқ овқат, мева ва полиз маҳсулотлари билан мунтазам таъминланади. Савдо, медицина, маиший хизмат кўрсатиш дала шийпонларига кўчирилади. Ҳар бир кунда ва ўн кунда социалистик мусобақага якун ясалади, ғолибларга кўчма Қизил байроқлар, пул мукофотлари берилади. Теримда коммунистларнинг авангардлик роли таъминланади.

Колхозимиз бўйича ишчи кучлари ва техника воситалари ёрдамида ҳар кун йиллик планнинг 3—4 процентн миқдорида пахта тайёрлашга эришамиз, авжи қизиган кунларда тайёрлов пунктига 6—7 процентдан пахта жўнатамиз. План ва социалистик мажбуриятимизни бажаргунга қадар суръатнинг пасайишига йўл қўймаймиз. Пахта тайёрлаш беш йиллик планнни сентябрь ойида, 1980 йил планн ва социалистик мажбуриятимизни октябрь ойида бажарамиз. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ғолтда қувонарли меҳнат зафарлари билан кутиб оламиз.

А. ИСКАНДАРОВ,
Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Ю. ҚОБИЛОВ,
партия комитети секретари.



СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Ильич районидаги Волков номли совхоз меҳнаткашлари ғўза парваришини намунали йўлга қўйиш билан бир қаторда пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўришаётир. 4185 гектар майдондаги экин яхши ривожланиб, ёппасига ҳосил тўпламоқда. Совхоз меҳнаткашлари бу йил давлатга 13 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини қабул қилишган.

Суратларда: қишлоқ хўжалик техникасини мавсумга пухта тайёрлашда фаол қатнашган слесарлардан Тилов Олмонов, Анатолий Сисоев, Ражаб Жабборов ўртоқлар ҳамда ремонтдан чиқарилган агрегатлар.

А. Тўраев фотолари.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Самарқанд, 22 август, (ЎзТАГ). Партия-хўжалик активининг бугун бу ерда бўлиб ўтган йиғилишида Москвадаги XXII Олимпиада ўйинлари якунлари, ўртоқ Л. И. Брежнев олимпиадачиларга йўллаган табрикномасида айтилган тавсиялар асосида оммавий физкультура ва спорт ишини янада яхшилаш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди. Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Файзиев доклад қилди.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида Самарқандда физкультура ва спорт билан доимо шуғулланаётган кишилар сони доимо кўпайиб бораётганлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Сузиш бўйича давзалари, гимнастика ва ихтисослаштирилган боксчилар заллари қурилди. Дарғом каналида катта спорт базаси барпо этилмоқда. Шу билан бирга актив йиғилишида физкультура ва оммавий спорт ишини ташкил этишдаги камчиликлар ҳақида ҳам гапирилди. Қабул қилинган қарорда физкультура ва спорт ишини яхшилашнинг конкрет йўллари белгиланди.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов нутқ сўзлади.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР

22 август куни Ўзбекистон пойтахтида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов билан муниципалитет делегациясига бошчилик қилган Марокашдаги Марракеша шаҳар бошлиғи Муҳаммад Ал-Ҳалифа шу икки шаҳар ўртасида дўстона алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик ва ўзаро айирбошлаш тўғрисидаги қўшма ахборотни имзоладилар.

Марракеша ва Тошкент аҳолиси аллақачонлардан бери ўз шаҳарларини биродарлашган шаҳарлар деб ҳисобламоқда. Энди бу алоқалар расмий жиҳатдан мустаҳкамланди.

(ЎзТАГ).

Шахсий меҳнат совғалари—КПСС XXVI съездига

САЛИМА ЛУҚМОНОВАНИНГ ЗАФАРИ

Республиканинг ўнта илғор ишлаб чиқариш ташаббускорларидан бири —Самарқанддаги «Труд женшин» бадиий-гилам фабрикасининг попопчиси Салима Луқмонова съездолди мусобақаси айни қизиган шу кунларда ажойиб меҳнат ғалабасига эришди. У 13 август куни уч шахсий беш йиллик планини бажаргани ҳақида рапорт берди.

Салима Луқмонова икки шахсий беш йиллик планини бултур 2 март куни бажарган эди. Беш йиллик бошидан бери моҳир попопчи жами 80000 сўмлик 3638 та атлас сўзана тикди. Бу белгиланган топшириқдан 3,5 баравар кўпдир. Салима Луқмонова бундай муваффақиятга ҳар бир иш дақиқасидан самарали фойдаланганлиги, илғор иш усулларини жорий этганлиги туфайли эришди.

Салима Луқмонован у билан бирга ишлаётган ўртоқлари, шу жумладан унинг ўттиз шогирди чин қалбдан табриклашди. Шогирдларидан беш киши эса ҳозиргача беш йиллик топшириқларини бажарганликлари тўғрисида рапорт берган.

Салима Луқмонова КПСС XXVI съезди очиладиган кунга қадар яна бир ярим йиллик топшириқни бажариш тўғрисида янги оширилган мажбурият олди. Салима Луқмонованинг ташаббусига фабриканинг бошқа ишчилари ҳам қўшилдилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН—7 НОЯБРГА

ЧИРЧИҚ ТРАНСФОРМАТОР ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Чирчиқ трансформатор заводининг коллективи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, илгари қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқди. 1980 йил планини муддатидан илгари бажаришга, шу билан бирга пландан ташқари илгари белгиланган 600 минг сўмлик ўрнига 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга, планга қўшимча равишда 60 минг сўм фойда олишга қарор қилинди.

Завод меҳнаткашлари меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан йиллик планни 1.9 процент ошириб бажаришни (бу эса илгари қабул қилинган мажбуриятдагидан анча кўп), маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишига ишунумини кўпайтириш йўли билан эришишни мўлжалламоқдалар. Қўшимча равишда 440 минг сўмлик олий сифат категориясидаги буюмлар ишлаб чиқарилади, бундай буюмларнинг салмоғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 55 процентга етказилади. Технологияни такомиллаштириш ва ташкилий-техника тадбирларни амалга ошириш ҳисобида коллектив қўшимча равишда 5 минг киловатт-соат электр энергиясини тежайди.

Корхонада 30 участка, 62 бригада, 746 ишчи ҳозирдаёқ ўзининг беш йиллик топшириқларини бажариб қўйишди. Коллективда Москва ишчиларининг 1980 йил планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажариш соҳасидаги ташаббуси кенг қулоч ёйди. 6 участка, 18 бригада, жами эса завод меҳнаткашларидан қарийб 500 киши бу ташаббусни ҳозирдаёқ қўллаб-қувватлади. Чирчиқ трансформатор заводининг коллективи оширилган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилади, корхона меҳнаткашлари КПССнинг бўлажак XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб ишонтирадилар.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

БЕДА УРУҒИ МЎЛ БЎЛСИН

Республика уруғчилик хўжаликлари бу йил давлатга 1257 тонна, шу жумладан Бутуниттифоқ фондига 1000 тонна беда уруғи топшириши керак, айни кезда ўзларининг ички эҳтиёжлари учун 3370 тонна уруғлик ажратишлари лозим. Шу мақсадда пландаги 37,4 минг гектар ўрнига 43,2 минг гектар бедазор ажратилди, бу пландагига нисбатан 113 процентни ташкил этади.

Республика бўйича 19 августга қадар 36,2 минг гектар майдондаги уруғлик беда ўриб олинди, шундан 33,2 минг гектар ернинг ҳосили янчилди.

Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона областларининг хўжаликлари уруғлик беда ўришни тугалладилар. Бироқ Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Сирдарё областларида бу муҳим иш суст кашлик билан олиб бориляпти.

Бу йил беда уруғи тайёрлаш ўтган йилдагидан анча кўпайтирилиши керак. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари зиммасига уруғни ўз вақтида тозалаш, экиш кондицияси даражасига етказиш вазифасини юклайдм. 19 августгача 5201 тонна беда уруғи янчилиб, шундан 744 тоннаси тозалашга топширилди. Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро областларида беда уруғини тозалаш бошланди. Бироқ, Қашқадарё, Жиззах областларида бу иш пайсалга солиняпти. Уруғ янчилиб, қуритилганидан кейинроқ тозаланиши лозим. Бунинг учун республика хўжаликларидаги уруғ тозалаш машиналари, ЭМС-1 электромагнит аппаратлари олдиндан тайёрланиб қўйилиши керак.

Республика хўжаликларида 334 та электромагнит аппарати бор, унинг қувватидан тўла фойдаланиш чоралари кўрилмоғи даркор. Ўтган йили беда уруғи тайёрлашда айрим жойларда нуқсонларга йўл қўйилган эди, бу йил ана шу нуқсонлар такрорланмаслиги керак.

Давлатга топшириладиган беда уруғи ҳар жиҳатдан юқори сифатли бўлиб, барча кўрсаткичлари бўйича талабга тўла жавоб берадиган бўлиши керак.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Тайёрлаш министрлиги бу йил беда уруғининг камёб навларн рўйхатини тасдиқлади. Хива, Тошкент-1, Тошкент-3192 навлари шулар жумласидандир.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари томонидан давлатга сотиладиган камёб беда уруғига 50 процент қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Шу йилдан бошлаб бир тонна товар беда уруғига 9 минг сўм пул тўланади.

Республикамиз бедазорларида юқори нав беда уруғи тайёрлаш юзасидан белгиланган планларни тўла ва ошириб бажаришга етиб ортадиган даражада юқори ҳосил етиштирилди. Ҳамма жойда уруғлик бедани ўриш, янчиш, уруғни қуритиш, тозалаш, кондицня даражасига етказиш, давлатга топширишни бутун чоралар билан кучайтирайлик!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва маъмурий органларда кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитети маъмурий ва савдо-молия органлари бўлимининг мудири ўрток Григорий Иванович **Олеськонн** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми пахтачиликни ривожлантириш соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири Николай Фёдорович **Беспаловнн** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришганликлари, Сирдарё ГРЭСи—Ғузор электр линиясини қуришда ва фойдаланишга топширишда актив қатнашганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига мувофиқ «Средазэлектросетьстрой» трестининг бош инженери Николай Дмитриевич **Руденко** ва «Энергосетьпроект» институти Ўрта Осиё бўлими электр линиялари бўлимининг бошлиғи Владимир Николаевич **Сиротнин** ўртоқларга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик;** «Средазэлектросетьстрой» трестининг 49-механизациялашган колоннаси электр линия ходими Владимир Борисович **Легошин** ва шу трестга қарашли ишлаб чиқариш—технология комплекс цияси бошқармасининг мастери Ислом **Магаметов** ўртоқларга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор;** «Средазэлектросетьстрой» трестининг 45-механизациялашган колоннаси автомобиль ҳайдовчилари Октябрь **Аҳметов** ва Геннадий Федорович **Герасимов** ўртоқларга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими** фахрий унвонлари берилди. СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги корхоналари ва ташкилотлари ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ЧОРВАЧИЛИККА РАҲБАРЛИК

ТАШАББУС ТАҚДИРИ

Қўриқ Задарёда янги ташаббус туғилди. Район партия комитети чорвачиликни саноат негизига кўчириш, моллар туёғини кўпайтириш ва семиртириш асосида маҳсулот етиштиришни янада ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар пленумда бир овоздан маъқулланди. Бошланғич партия ташкилотлари, чорвадорлар, қолаверса, бутун район меҳнат аҳли барча ички резервлар, имкониятларни ишга солишга отланди. Хўжаликлараро йирик чорвачилик комплекслари, механизациялашган бўрдоқичилик пунктлари барпо этишга киришилди.

Районда бошланган бу хайрли ишнинг, яхши ташаббуснинг тақдири нима бўлди? Ҳозирги кеча-кундузда нималар қилинмоқда?

— Район партия комитети ишлаб чиққан тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда, — дейди райкомнинг биринчи секретари Ўлмасали Холдоров. — Қисқа вақтда Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Гигант», «Правда», «Гулбог», Ильич номли хўжаликларда сутчилик, гўштчиликка ихтисослаштирилган йирик комплекслар ишга туширилди. Ердамчи хўжаликларда ҳам чорвачилик кенг йўлга қўйила бошланди. Колхозчилар ва совхоз ишчилари хонадонларида қорамоллар, қўйлар, паррандалар асрашга эътибор кучайтирилди. Белгиланган тадбирлар, қабул қилинган қарорларнинг ижроси мунтазам назорат қилиб борилди. Оқсаётган участкаларда бошлангич партия ташкилотлари, коммунистлардан масъулият талаб қилинди. Бу нарса, давлатга чорва маҳсулотлари сотиш планлари ва социалистик мажбуриятларини оширибгина қолмасдан, келгуси беш йилликлар истиқболига ҳам кенг йўл очиб бераётир.

Районда барпо этилган чорвачилик комплекслари ўзига хос шаҳарчани эслатади. «Гигант» колхозида ишга туширилган чорвачилик комплексида 1400 бош қорамол, жумладан 500 бош соғин сигир парвариш қилинаётир. Чорва комплекси қурилишига 1,4 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Эндиликда чорвачилик рентабелли тармоққа айланди.

КПСС XXVI съезди шарафига ҳар бир соғувчи оширилган мажбурият олган. Коммунист Санобар Ҳожибоева ўзига биркитилган сигирлардан 4000 литрдан, Озода Абдураҳимова, Кимсаной Абдуқодирова каби КПСС аъзолари эса 3500 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга сўз беришган. Молбоқар коммунистлардан Исмоилжон Абдураҳимов билан Қулибой Ҳусанов бўрдоқига боқилаётган молларнинг суткалик семиришини 750—800 граммга етказишаётир. Бу рекорд кўрсаткичларга албатта фидокорона меҳнат туфайли эришилмоқда. Хўжалик чорвадорлари ҳозирданоқ 6000 тонна дағал хашак, 3700 тонна сенаж, 5000 тоннадан кўпроқ силос бостириб қўйганликлари бу соҳага катта эътибор берилаётганидан дарак бериб турибди.

«Правда» колхозида ишга туширилган чорвадорлар шаҳарчасида ҳам намунали ишлар қилинмоқда. Бу ердаги ҳар қайси бино, ҳар бир квадрат-метр жой гўшт, сут маҳсулотларини кўпайтиришга хизмат қилаётир. Молларни яйратиб боқиш, вақтида ювиб-тараш уларнинг маҳсулдорлигини тобора оширишга имконини бермоқда. Комплекс коммунистлари партиямизнинг бўлажак XXVI съезди шарафига гўшт етиштиришни 1,3 баравар, сут етиштиришни икки ҳисса кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Уларнинг бу ватанпарварлик ташаббуси район партия комитети томонидан маъқулланди. «Наманган», Ильич номли хўжаликларнинг партия ташкилотларида чорвачиликни саноат негизида юксалтириш юзасидан белгиланган тадбирлар муваффақиятли бажарилаётир.

Умуман, Задарёнинг чорвачилик комплексларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Буни беш йилликнинг якунловчи йили социалистик мажбуриятлари муддатидан илгари уддаланаётганида, ҳар бош қорамолнинг вазни 410—420 килограммга, қўйлар 48—50 килограммга, чўчқаларнинг вазни 110 килограммга етказилаётганида ҳам билиш мумкин. Коммунистлар бор жойда ғалаба бор, муваффақият бор, деганлари шу-да.

Район партия комитети белгилаган тадбирларда матлубот жамиятлари ҳузурида чорва фермалари, комплекслар ташкил этиб, умумий овқатланиш корхоналарини йил-ўн икки ой чорва маҳсулотлари билан кўпроқ таъминлаш, бозорлар, савдо дўконлари орқали аҳолига мўл-кўл гўшт, сут, тухум, парҳез маҳсулотлар етказиб бериш масаласи кун тартибига қўйилганди. Хўш, бу соҳадаги мажбуриятлар қандай бажарилмоқда?

Жумашуй қишлоғининг биқинидаги салкам 20 гектар ташландиқ ерларда янги чорвачилик комплекси қурилиши бошланди. Бу ерда ҳар бирига 10 минг бош парранда сиғадиган 15 та бино, 4 та молхона тикланди. Қурилишда коммунист Абдуллажон Камолов бошлиқ 4-кўчма механизациялашган колонна бинокорлари жонбозлик намунасини кўрсатмоқдалар. «Облколхозстрой» трестининг Сотволди Тўрабоев бошлиқ участкаси ишчилари айниқса, ғайрат кўрсатиб ишлаётирлар.

— Комплексни муддатидан уч ой илгари фойдаланишга топширамиз, — дейди коммунист Каримжон Обиддинов. — Шу бизнинг партия XXVI съездига муносиб совғамиз бўлади. Ҳозирги вақтда дастлабки тўртта бино ишга солинди. Уларда 1125 бош қорамол, салкам 300 бош чўчқа, 25 минг парранда парваришланяпти.

Ўз бағрида 125 минг товуқ боқиладиган паррандахоналар қурилиши бирин-кетин қўлдан чиқарилмоқда. Келажакда гўшт, тухум, парҳез маҳсулотлари фабрикасига айланиб қоладиган комплексни тиклашга салкам бир миллион сўм капитал маблағ сарфланади. Қурилишда коммунист ва комсомол-ёшлар зўр ғайрат кўрсатмоқдалар.

— Дастлабки кунларданоқ молларни тезроқ семиртириш, тозуклардан кўпроқ тухум олишни тезлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди район матлубот жамияти правленияси раиси Анваржон Акромов. — Ҳозиргача 300 тонна сўқим гўшти, бир неча юз минг дона тухум етиштирилди. Комплекс тўла ишга туширгач, йилига 500 тонна гўшт, салкам бир миллион дона тухум, эллик-юз тонналаб парҳез гўшт етиштирилади. Коллективимиз партиямизнинг бўлажак XXVI съездини ана шу қувватларни ўзлаштириш билан кутиб олмоқчи.

Задарё район коммунистлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг: «Чорвачиликда ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мол туёғи ва паррандалар кўпайди. Аммо, бу соҳада ҳали кўп ва жуда кўп иш қилиш керак», — деган кўрсатмасини амалга ошириш учун зўр ғайрат, ташаббускорлик намунасини кўрсатмоқдалар. Ҳамма жойда бўлганидек, қўриқ Задарё райони хўжаликларида ҳам чорвачиликни юксалтиришда коммунистлар, барча меҳнаткашлар қатъият, изчиллик ва жасорат кўрсатмоқдалар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Республикамиз бўйлаб

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

◆ ШАҲРИСАБЗ Хисарак денгизини бунёд этган қурувчиларнинг фарзандлари учун 1 сентябрда илк бор мактаб қўнғироғи чалинади. Мироқи посёлкасидаги бу мактаб биносига азим ёнғоқзор соя тащлаб турибди. Ўқув корпуси ёнида 3000 томошабинга мўлжалланган стадион, тир, сузиш бассейни бор.

Шу йил Қашқадарё областида янги мактаблар 6000 болани қабул қилади.

ОЛИМ НОМИДАГИ КЎЧА

◆ БУХОРО. Кўчалардан бири доктор Исаев номи билан аталди. Республикада соғлиқни сақлаш ишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган таниқли медик олим, Ўрта Осиёда биринчи тропик медицина институти ташкилотчисининг хотираси шу тахлитда абадийлаштирилди.

Л. М. Исаев 40 йилдан кўп вақт давомида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Олим шу муддатнинг ярмидан кўпини илгари Зарафшон водийсида кенг тарқалган касалликларга қарши курашга бағишлади.

ҚОВУН ОРТИЛГАН ВАГОНЛАР

◆ НУКУС. Қорақалпоғистон АССР қишлоқ меҳнаткашлари БАМ қурувчиларига, Москва, Ленинград ва Россия Федерациясининг бошқа шаҳарларига планга қўшимча равишда у юз вагон полиз маҳсулоти етказиб беришга қарор қилдилар. Қовун ва тарвуз ортилган биринчи вагонлар Нукус ва Ҳўжайли станцияларидан жўнатилди. Автоном республика полизчилари бу йил ҳосил навларига алоҳида эътибор бердилар. Айниқса «Бешак» қовунлари, «Ҳайитқора» тарвузлари яхши парвариш қилинди. Булар ниҳоятда ширин бўлиб, узоққа жўнатганда яхши сақланади.

(ЎзТАГ).

ТУРКОЛОГЛАРНИНГ ТОШКЕНТДА БЎЛАДИГАН УЧИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

КАТТА АНЖУМАН

Совет туркологлари мамлакатимизнинг кўп миллатли оиласида озод ва фаровон ҳаёт кечираётган, туркий тилларда сўзлашадиган халқлар она тили, адабиёти ва тарихини ўрганиш соҳасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Шу йил 10 сентябрда Тошкентда очиладиган III Бутуниттифоқ туркология конференциясида бу борадаги тадқиқот натижалари умумлаштирилади, бундан кейинги вазифалар белгилаб олинади.

Туркология конференцияси улкан анжуман бўлиб, унда ўнта катта-кичик секция бўйича иш олиб борилади, ўтмиш ва ҳозирги замон туркологиясининг барча соҳа ва йўналишлари (тилшунослик, адабиётшунослик, фольклористика, тарих, археология, этнография ва бошқалар) тўла қамраб олинади. Илмий анжуман интернационализм байроғи остида ўтади. Унда мамлакатимизнинг 47 шаҳридан ва Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакия, Швеция, Туркия, Япония, Франция, АҚШ каби мамлакатлардан жами 330 дан ортиқ турколог қатнашади. Конференцияда ҳаммаси бўлиб 468 доклад ва ахборот тингланади.

Туркологларнинг бу галги йиғини 1976 йилда Олмаотада бўлиб ўтган II конференция қарорига асосан ўтказилмоқда. Биринчиси эса 1926 йили Бокуда ўтказилган эди.

Конференцияда тилшунослик илми масалаларига кўпроқ ўрин берилади. Адабий тиллар ва уларнинг тарихи, тарихий грамматика, адабий тил ва диалектлар, туркий археография, туркий тилларни тарихий-қиёсий ва археал ўрганиш ҳамда уларни классификация қилиш методлари, туркий тилларнинг тараққиёти ва бойишида рус тилининг роли, рус, Ғарбий Европа ва туркий тиллар қиёсий грамматикаларининг тузилиши назарияси ва амалиёти, фонетика ва филология, грамматика назарияси ва типология масалалари, туркий тилларнинг диалект системалари ва уларни тавсифлаш методлари, СССРдаги туркий тилларнинг диалектологик атласи ва унинг тузилиш принциплари, таржима, изоҳли, топонимик, инверсион ва этимологик луғатларни тузиш принциплари каби қатор масалалар кўриб чиқилади.

Адабиётшунослик иши бўйича ҳам унда кўламли ва батафсил фикр олишувлар бўлади. Ўтмиш адабий мероси, совет адабиётининг тараққиёт тажрибалари, туркий халқлар адабиётларида социалистик реализм методининг тараққиёт босқичлари, туркий халқлар адабиётидаги ўзига хослик, реализмнинг структураси, поэтикаси масалалари хусусида сўз юритилади. Адабиёт ва санъатда янги жанр ва шаклларнинг келиб чиқиши, уларнинг ўз замини ва бошқа халқлар адабиёти ва санъати билан алоқаси, миллий адабиётлар тараққиётида ўзаро адабий муносабатлар, ҳозирги замон адабиётларнинг маънавий ва эстетик тараққиётида классик мероснинг аҳамияти, адабиёт ва фольклорнинг ўзаро муносабатлари, бадиий тафаккурнинг ҳозирги шакллари тараққиётида фольклор традицияларининг ўрни ва роли каби проблемалар муҳокама қилинади. Бу масалаларнинг барчаси туркий тиллар ва туркий халқлар адабиётларининг ҳозирги тараққиёти ва уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, бажараётган хизмати ва функциясини ўрганишдан иборат асосий проблема тадқиқига бўйсундирилганки, масалаларнинг ҳудди шу тарзда қўйилиши адабиётлараро илмий тажрибани ўртоқлашиш учун етарли асос беради.

Бу гал туркологлар СССРдаги туркий халқларнинг этник ва маданий алоқаларининг тарихий босқичлари, ўзаро маданий алоқаларнинг умум социалистик маданият тараққиётида тутган ўрни ва роли ҳақидаги докладларни ҳам эшитадилар.

Конференция кун тартибига қўйилган докладларда ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги соҳасида қилинган ишлар ҳам ўзининг муносиб аксини топгандир. Дарҳақиқат, ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари бўйича кейинги йилларда илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик талай ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти тилшунослари ўзбек тилининг илмий грамматикасини яратдилар. Туркий тилларнинг диалектологик атласи, ўзбек тилининг изоҳли луғати яқин орада китоб жавонларидан ўрин олади. Институт олимлари икки томдан иборат «Адабиёт назарияси»ни яратиб, ҳозир танқидчилик тарихи масалалари бўйича унумли иш олиб бормоқдалар. Беш томдан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг яратилиши ҳам олимларимизнинг катта куч-ғайратлари самараси бўлди. Бу нашрнинг томларида энг қадимги даврлардан бошлаб Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти кенг тадқиқ этилади, ўзбек адабиётига ҳамдам бўлиб келган адабиётлар, улар ўртасидаги яқин алоқалар масаласига ҳам алоҳида диққат қилинади.

Институтдаги ўзбек совет адабиёти, адабий алоқалар ва таржима назарияси, ўзбекистонда рус адабиёти бўлимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам худди шундай кенг қамровлидир. Адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлими ҳозир Ўрта Осиё ва Қозоғистон адабиётларида роман-чилик типологияси темасини ишлашга киришди. Бундай ишлар адабиётларимизда бўлгани каби илмий марказларнинг ҳам ҳамкорлик билан иш олиб боришига восита бўлади деган умиддамиз. Шунингдек, кўпдан йўлга қўйилган халқ достонлари кўптомликлари нашри ҳам Совет Шарқи халқлари маданияти тарихини ўрганиш учун катта манба яратиб беради.

А. С. Пушкин, М. Горький асарларининг академик нашрлари тажрибалари миллий республикаларда ҳам бундай илмий йўналишни бошлаб берди. Тожикистон ССРда Садриддин Айний «Куллиёти», Қозоғистонда Мухтор Авезов асарларининг тўлиқ нашри юзага келмоқда. Бизда Отабекнинг «Мукаммал асарлар тўплами»ни нашри ниҳоясига етай деб қолди. Ҳамза Ҳакимзода ва Ҳамид Олимжон «Мукаммал асарлар тўплам»ларининг дастлабки томлари нашрдан чиқди.

Биз ўзбек тилшунослиги, ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигида рўёбга келган янгиликлар қардош республикаларда ҳам тобора кенг тарқалаётганлигига аминмиз. Туркологларнинг бўлажак Тошкент форуми бу соҳада тажриба алмашиш, вазифаларни муҳокама этиш, шу асосда фанимизнинг янги уфқларини белгилашда, шубҳасиз, янада катта аҳамиятга эга бўлади.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти директори, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАПЕРМИСИЗ?

ҲАМЖИҲАТЛИК ТУФАЙЛИ

КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиш, таълим-тарбия ишлари савиясини янада ошириш учун курашаётган Сурхондарё областининг халқ маорифи ходимлари катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Мавжуд 524 мактабнинг ҳаммаси муддатидан олдин сифатли ремонт қилинди; шу жумладан 54 мактаб капитал ремонтдан чиқарилди.

Бир неча йиллардан бери область маорифчилари ўртасида илғорликни қўлдан бермай келаётган деновликлар мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари ремонтини барвақт тугаллаш, 1980—1981 ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриш ташаббусини кўтариб, область маорифчиларига мурожаат қилган ва бу ташаббус область партия комитети томонидан маъқулланган эди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқдилар: районда 3 та янги мактаб биноси қуриб битказилди, ёш табиатшунослар станцияси қайта ташкил этилди, 2155 ўринли қўшимча синфхоналар қурилди. Деновликлар 10 июндаёқ, Шўрчи ва Ленин йўли районлари маорифчилари эса улардан сал кейин умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасалари ремонтини тугаллаганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Область мактабларининг аксариятида бу йил дарслар кабинет системасида ўтказилади. Янги ўқув йилига тайёргарлик мобайнида 2240 ўринга эга бўлган 6 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Областдаги 106 мактабга янги телефон, 48 мактабга табиий газ, 63 мактабга водопровод ўтказилди. 10 мактабда янги устахона, 25 мактабда ошхона, 22 мактабда эса медпункт ва тиш даволаш хоналари ташкил этилди.

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари оталиқ ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг амалий ёрдами ва актив иштирокида амалга оширилди. Оталиқ ташкилотлари кўргазмали қуроллар, асбоб-ускуналар, станоклар ва инвентарлар сотиб олиш учун мактабларга ва мактабдан ташқари муассасаларга 150 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратдилар. Фан кабинетлари, устахоналар, ўқув ишлаб чиқариш комбинатларини зарур асбоб-ускуналар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш ва жиҳозлаш ишларида актив иштирок этдилар. 5 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ташкил этишда бош-қош бўлдилар, юқори савияда машғулот ўтказиш учун малакали кадрлар ажратиб бердилар. Ҳозир мактабларни ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминлаш кизғин давом этмоқда.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини таълим-тарбия ишини янада яхшилаш билан кутиб олиш учун астойдил курашаётган Сурхондарё областининг маорифчилари оталик ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Ўзбекхиммаш» заводининг илғор ишчиси Шафиқ Сулаймонов зафар қучди. У ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт адо этиб мусобақада пешқадамлик қилди. КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтага чиққан Ш. Сулаймонов якунловчи йил охирига қадар яна бир йиллик шахсий иш нормасини бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятни олди. Суратда: ўз ишининг устаси Ш. Сулаймонов.

В. Сироткин фотоси.

ЯНГИ АГРЕГАТ

Хива гилам комбинати ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати кун сайин яхшиланиб боряпти. Корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш борасида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхонанинг пардозлаш цехида «Циллерс» номли янги агрегат ишга туширилди. Агрегат ҳивалик гиламчиларга бир сменада 3 минг квадрат метр гиламни пардозлаш имконини беради.

И. ЭШЖОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«КИЧКИНТОЙЛАР РАНЖИМАСИН»

Газетамизнинг шу йил 23 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Гиждувон шаҳар Навоий кўчасида жойлашган 4-болалар боғчасисида тегишли шарт-шароитлар яратиб берилмаганлиги ва бошқа камчиликлар очиб ташланган эди.

Ушбу танқидий мақола юзасидан редакцияга БУХОРО ОБЛАСТЬ ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ шундай мазмунда жавоб йўллаган:

— «Кичкинтойлар ранжимасин» сарлавҳали мақолада баён этилган фактлар тасдиқланди.

1981 йилда 4-боғча-ясли жойлашган территорияда 140 ўринли боғча-ясли биноси қурилиши режалаштирилган. Бу эса Гиждувон шаҳар Навоий кўчасида истиқомат қилувчи ота-оналар талабини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ УЧУН

ПРОФИЛАКТИК ИШЛАР МАРКАЗИ

Коммунистик партия ва Совети ҳукумати ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга, мамлакатимизда қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, меҳнаткашларни социалистик турмуш норма ва қоидаларига амал қилиш руҳида тарбиялашга катта эътибор бериб келмоқда. Бу эса милиция ходимлари активлигини ва жанговарлигини муттасил оширмоқда, уларни жиноятларнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз курашга ва жамоат жойларда, ишлаб чиқариш коллективлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кенг кўламда олиб боришга, ичкиликбозлик, безорилик, текинхўрлик ва бошқа жиноий ҳолатларга қарши курашни давр талаблари даражасида уюштиришга, меҳнаткашлар осойишталигини ҳушёр туриб қўриқлашга руҳлантирмоқда.

Областимизда жиноятчилик йилдан-йилга камайиб бормоқда. Ўтган йили жиноятларни очиш борасида юқори кўрсаткичларга эришилди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида воҳамизда ҳавфли жиноятлар содир бўлмади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, буларнинг ҳаммасига область ички ишлар бўлимлари ходимларининг оперативлиги, ҳушёрлиги, тинимсиз изланиши, эринмай меҳнат қилиши, меҳнат коллективлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларнинг кучайтирилиши, социалистик мусобақанинг тўғри уюштирилиши, профилактик тадбирларнинг кенг кўламда олиб борилиши туфайли эришилмоқда.

Жиноятчиликка қарши курашиш, хусусан профилактик ишларни амалга оширишда жамоатчилик кучига таяниш иш самарасини белгиловчи омил бўлиб қолди. Биз жамоатчилик вакиллари, аҳоли меҳнат коллективлари билан яқиндан алоқа боғлаганмиз. Милиция ходимларининг жамоатчилик билан алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда. Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда, гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, олдини олиш ва уни бартараф этишда бевосита партия, совет ташкилотлари ва жамоатчилик кўрсатаётган ёрдам беқиёсдир. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича милиция ва жамоатчилик таянч пунктлари фаолияти бунга мисол бўла олади.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида таянч пунктлари фаолиятини янада активлаштириш, жиноятларни оператив очиш энг муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Ҳозир областимизда 135 таянч пункти бўлиб, шундан 135 таси қишлоқ жойларида очилган. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктларида 2700 дан ортиқ жамоатчилик вакиллари — халқ депутатлари, кўнгилли дружиначилар, оператив комсомол отрядлари ва бошқа активлар бевосита шуғулланмоқдалар. Улар участка инспекторлари билан ҳамкорликда иш юритиб, таянч пунктларига қарашли участкаларда вазиятнинг янада яхшиланишига самарали таъсир кўрсатмоқдалар. Ҳуқуқ-тартиботни бузишга мойил бўлган кишиларни ҳисобга олиб, улар билан мунтазам шуғулланмоқдалар.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктларининг актив фаолияти туфайли хавфли жиноятларнинг содир бўлиши кескин камайиб бормоқда. Майда безорилик, олиб-сотарлик, жамоат мулкига кўз олайтириш каби жиноятларга қўл урган кимсалар билан тарбиявий иш олиб борилиб, ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олишда, уни бартараф этишда намунали ишлар қилаётган, қонунчилик ва ҳуқуқ пропагандасини талаблари даражасида уюштираётган ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктлари кўпчиликни ташкил этади. Мисол учун Ғузор шаҳри марказидаги милиция капитани Ҳушвақт Жавлиев инспекторлик қилаётган участкада ташкил этилган таянч пунктини олайлик. Мазкур участкада 48 корхона ва ташкилот, 3 та ўрта мактаб, 55 савдо точкаси, 41 кўча, 27 та икки қаватли турар жой биноси, 7 та болалар боғчаси жойлашган. Тўғри, территория катта. Лекин, участка инспектори Ҳушвақт Жавлиевнинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги, жамоатчилик вакилларининг активлиги туфайли мазкур участкада жиноятчилик камайиб бормоқда. Таянч пункти аъзолари бунга асосан аҳоли ўртасида ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш, жиноятларнинг оқибати нималарга олиб келиши юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб бораётганликлари, ҳисобда турувчи кишилар билан индивидуал тартибда тарбиявий ишларни амалга ошираётганликлари туфайли ҳам муваффақ бўлмоқдалар. Шу боисдан ҳам мазкур таянч пункти бошқармамиз кўрик-конкурсларида ҳамиша голиб деб топилмоқда.

Қарши шаҳрининг 4-микрорайонидаги (участка инспектори, милиция катта лейтенанти Т. Ҳақназаров, профилактика советининг раиси 11-мактаб директори С. Салимов). Нишон районининг Янги Нишон посёлкасидаги (участка инспектори милиция лейтенанти Х. Қудратов, профилактика советининг раиси, 1-мактаб директори Т. Қамбаров), Ғузор районининг «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозидаги (участка инспектори милиция лейтенанти С. Хуррамов), Қамаши шаҳар марказидаги (участка инспектори милиция катта лейтенанти Р. Қулмуродов, профилактика советининг раиси Х. Фармонов) ва бошқа ҳуқуқ ва тартиботни сақлаш таянч пунктларида олиб борилаётган ишлар ҳам мақтовга арзигулик.

Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жиноятларнинг олдини олишда меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш корхоналари маъмуриятлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ёрдамини алоҳида таъкидлаш керак. Улар кишиларга тарбиявий таъсир ўтказишда коллектив кучидан, ўртоқлик судларидан унумли фойдаланмоқдалар. Кўпчилик меҳнат коллективларида ҳуқуқ пропагандаси яхши йўлга қўйилган.

Биз ҳуқуқ-тартиботни бузган ҳар бир киши ҳақида унга иш жойида тегишли таъсир ўтказиш, жазо кўриш учун корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларига, хўжалик бошлиқларига ёзма равишда хабар қиламиз. Айрим корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, хўжалик бошлиқлари жамоат тартибини бузганларга қарши кўрилган чоралар, уларга тарбиявий таъсир ўтказиш учун амалга оширилган тадбирлар хусусида батафсил жавоб юборишади. Бироқ, баъзи раҳбарлар алоқа ҳатимизга ўз вақтида жавоб беришни унутиб қўядилар.

Ўрни келганда жамоатчиликнинг милицияга бераётган ёрдамини янада кучайтириш зарурлигини ҳам айтиб ўтмоқ лозим. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктларида шундай ҳоллар содир бўляптики, айрим кўнгилли халқ друживачилари турли баҳоналар билан навбатчилик учун чиқмаётирлар. Ҳолбуки, друживачилар ишлаётган корхона ва ташкилотларда друживачилар рўйхати, уларнинг патруллик қилиш графиги тузиб чиқилган.

Аҳолининг тинч, осойишта яшаши, кишиларнинг унумли меҳнат қилишини таъминлаш область ички ишлар бошқармаси, район ва шаҳар ички ишлар бўлимлари ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктлари фаолиятининг асосини ташкил этади. Лекин, ишимизда ҳали айрим камчиликлар ҳам учраб туради. Бу камчиликларни тугатиш учун таянч пунктлари сонини кўпайтиришимиз, қонунчиликни бузувчиларни тарбияламасдан меҳнат коллективларининг ва кенг жамоатчиликнинг ролини янада оширишимиз, аҳоли ўртасида ҳуқуқ билимларини янада кенгроқ пропаганда қилишимиз лозим.

Х. НОРБУТАЕВ,
Қашқадарё область Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

21 август куни Москва меҳнаткашлари вакилларининг Руминия озод этилганлигининг 36 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан нотиқлар Совет Армиясининг 1944 йилда Бухарестни озод этганлиги мамлакат меҳнаткашлари қуролли қўзғолони ғалабасини мустаҳкамлади, деб таъкидладилар. Руминия халқи буржуа-помешчиклар тузумини бутунлай тугатди, социализм йўлига қатъий қадам қўйди, туб социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширди.

РСРнинг СССРдаги элчиси Т. Дудаш ўз нутқида бундай деди: Руминия халқи ўз мамлакатининг мустақил бўлишига эришди. Совет армиясининг ғолибона ҳужуми, биринчи социалистик мамлакатининг ажойиб муваффақиятлари жаҳон тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатаётган ғоят қулай ички ва халқаро шароитларда социалистик ўзгартишлар йўлига чиқиб олди.

Элчи анъанавий Руминия-Совет дўстона муносабатлари доимий равишда ривожланмоқда ва бу муносабатлар мунтазам чуқурлаштирилиб, ҳар томонлама кенгайтирилмоқда, деб қайд этди. (ТАСС).

* * *

22 август куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги намояндаларининг Руминия фашистлар зулмидан озод этилган кунининг 36 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари, қардош мамлакат халқини миллий байрам билан самимий қутлаб, унга коммунистик қурилишда янгиданянги муваффақиятлар тилаб-дилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет — Руминия дўстлигини мустаҳкамлашга қўшаётган ўз ҳиссасини кўпайтиришга интилаётганликларини билдирдилар.

(ЎзТАГ).

МАРРА— 50 ЦЕНТНЕР

Навоий районидаги «Коммунизм» колхози деҳқонлари ўтган йили гектаридан 42 центнердан пахта хирмони кўтаришган эди. Бу йилги мажбуриятлари — 50 центнер. Хўжаликнинг Ғаффор Қаҳҳоров, Шариф Маҳмудов, Усмон Мансуров, Азим Жабборов ўртоқлар бошчилик қилаётган пешқадам бригадаларининг аъзолари бундан ҳам юқори марраларни кўзлаб ғўза парваришини авж олдирмоқдалар.

— Колхозимиз пахтакорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига ўзаро мусобақалашиб ишлаб, катта хирмонга пухта замин ҳозирламоқдалар, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Ҳамроев. — Ғўза парваришида суръат ва сифатни асло пасайтирмаган ҳолда пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдамиз.

С. ЭРДОНОВА,
Бухоро области.



Каттақўрғон районидаги «Ленинизм» совхози маккажўхоризорларида «дала маликаси»дан юқори ҳосил етиштирилди. Бригада аъзолари гектаридан 100 центнердан дон, 500 центнердан силосбоп поя олиш учун курашмоқдалар. Урим-йиғим кун сайин кучайтирилмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) бригада бошлиғи Ж. Бобоев ва совхоз партия комитети секретари Т. Набиев ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

РУМИНИЯ КИТОБЛАРИ ДЕКАДАСИ

Қардош мамлакат китоблари декадаси РСР миллий байрами — мамлакат озод этилган кунга бағишланди. Декада 20 август куни чет эл адабиёти Бутуниттифоқ давлат кутубхонасида очилди.

Румыния муаллифларининг бадиий асарларини мамлакатимизда 22 тилда ўқишади. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида СССРда жами тиражи 26 миллион нусхада беш юз номдан кўпроқ проза, поэзия, драматургия, фольклор китоблари нашр этилди. Румыния адабиётининг классиклари М. Эминеску, И. Крянгэ, М. Садовяну асарлари булар орасида биринчи ўринни эгаллайди.

Кейинги вақтларда таржима қилинган асарлар орасида янги нашрлар пайдо бўлди. Булар орасида «РСР адабиёти кутубхонаси»нинг навбатдаги томлари, қардош мамлакат ҳозирги замон поэзиясининг тўплами бор. СССР халқлари тилларида нашр этилган кўпгина асарлар ёш китобхонларга мўлжалланган.

РСР китоблари декадаси Ленинград, Киевда ҳам ўтказилади. (ТАСС).

ЎРИМНИ ТАМОМЛАДИК

Районимиз деҳқонлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб бу йил мўл-кўл маккажўхори дони етиштириш йўлида астойдил кураш олиб бормоқдалар. Биз ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 1415 гектар ерда дон учун маккажўхори етиштирдик. Йил бошида қилинган фидокорона меҳнатлар эвазига деярли кўпгина далаларда ўтган йилдагига нисбатан бирмунча дуруст ҳосил тўпланди. Ўрим-йиғимни ўтган йилдагидан деярли 10—12 кун илгари тамомлашга муваффақ бўлдик. Районимиз хўжаликларининг маккажўхоризорларида 46 комбайн унумли ишлатилди. Ленин мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Жавод Кўчиев раҳбарлик қилаётган «Коммунизм» колхози, шунингдек, «Ленинград» совхози маккажўхорикорлари ҳосилдорлик борасида бу йил район хўжаликлари орасида энг юқори ўринни эгалладилар. Жумладан «Коммунизм» колхозидан А. Шодмонқулов, А. Мамедов, «Ленинград» совхозидан Рўзимуҳаммад Турдибеков, «Москва» совхозидан Маъмур Унғоров ўртоқлар бош бўлган бригадаларда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 60—80 центнердан «каҳрабо дон» олинди. Ҳозирга қадар районимиз бўйича йиғиб олинган маккажўхори дони 10129 тоннадан ошиб кетди. Биз ўриб-йиғиб олинган ҳосилнинг ҳаммасини вақтида тайёрлаш ташкилотларига топшириш ҳамда КПСС XXVI съезди шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз.

Иброҳим СУЛТОНОВ,
Сирдарё области, Комсомол райони қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи.

Боғларимиз саховати

Шу кеча-кундузларни боғлар шарбатга тўлган палла деб аташни истардим. Ҳақиқатда ҳам шундай. Хоҳ шафтолизорга, хоҳ узумзорга, хоҳ анжирзорларга қадам қўйманг, ҳамма жойда кишини маст этувчи хушбўй димоғингга гуп этиб урилади. Бизнинг бригадамизда ҳам, шубҳасиз худди шундай манзаралар устидан чиқасиз. Аҳил коллективимиз аъзолари шафтоли, олма, узум етиштириш билан шуғулланади. Гап шундаки, ишчиларимиз боғларимизни ҳамиша меҳр билан парваришлаб, мева ҳамда узумдан мунтасил равишда мўл ҳосил етиштиришга эришиб келмоқда. Бу йил ҳам боғларимизда баракали ҳосил етилди. Айниқса, шафтоли бўлиб берди. Айни кунларда биз шафтоли теришни тез суръат билан олиб боряпмиз. Тайёрлов ҳамда савдо ташкилотларига кунига неча ўнлаб тонна мева етказиб беряпмиз. Бригадамиз бу йил 260 тонна ўрнига 300 тонна шафтоли етказиб беришга аҳд қилган.

Узум ҳосили ҳам кўзларни қувонтирмоқда. Яқин кунлар ичида узум топшириш планини адо этамиз. 1980 йилда биз давлатга пландаги 170 тонна ўрнига 200 тонна узум топширамиз, деб турибмиз.

Мевадан шохлари ларзон бўлиб турган олмазорларимиз ҳам катта хирмон ваъда этяпти. Шунга кўра планга қўшимча 50 тонна, жами эса 200 тонна олма топширишни мўлжаллаяпмиз. Бу бизнинг мамлакатимиз коммунистларининг буюк анжумани бўлмиш партия XXVI съездига муносиб туҳфамиз бўлади.

Г. КАМОЛОВ,
Қувасой шаҳридаги «Мўян» боғдорчилик совхози бригада бошлиғи.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Ҳар кунги тонгни ишкомлар орасида қаршилайман. Ишком бўлганда ҳам унча-бунча эмас, кўз илғамас узумзорлар бу. Илк офтоб нурида олтиндай товланган ҳусайнилар, чаросу нимранглар, қуйингки шарбатга тўлиб турган узумзорга боқар эканман, ўз касб-коримдан беҳад қувониб кетаман. Нега десангиз, табиат, она тупроғимиз эҳсони бўлган бу ноз-неъматларни биз эл дастурхонига тортиқ этамиз, одамлардан олқиш эшитамиз.

Мен бошчилик қилаётган бригадада ҳам бу йил узум мўл бўлди. Биз бу йил эл дастурхонига жами 500 тонна узум тортиқ этишимиз керак. Бригадамиз ишчилари шу кунга қадар давлатга 250 тоннадан зиёдроқ узум топширди. Ҳали ишкомларимизнинг аксарисида турфа хил узумлар товланиб турибди. Биз иш кунининг ҳар бир соатидан унумли фойдаланиб, етиштирилган маҳсулотни вақтида йиғиб-териб олиш, истеъмолчиларга аъло сифат билан етказиш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Планга кўра эл дастурхонига 250 тонна узум тўкишимиз керак. Ишкомларимизда ҳосил чўғи катта. Шунга кўра биз планга қўшимча равишда яна 50 тонна узум топширишни мўлжаллаяпмиз. Совхозимиз давлатга жами 3,5 минг тоннадан зиёд ширин-шакар узум топширади. Соҳибкорларимиз етиштирган ноз-неъматлардан БАМ қурувчилари, РСФСРдаги қатор саноат районлари меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

С. САРИЕВ,
Фарғона районидаги Усмон Юсупов номли боғдорчилик ва узумчилик совхози бригада бошлиғи.

ҚУЁНЧИЛИК КОМПЛЕКСИ

Қашқадарё области Ульянов районининг янги хўжалиги — 15-совхозда қуёнчилик комплекси қурилиши бошланди. Комплекс қурилишига 1 миллион 555 минг сўм маблағ ажратилди. Комплексда меҳнат қилаётган «Каршистрой» бошқармасининг 15-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари ҳозирга қадар бу ерда 950 минг сўмлик иш бажариб, 2000 бош қуёнга мўлжалланган беш корпусдан учтасини қуриб битказдилар.

Колоннанинг Болта Эшмуродов, Яраш Магамедов ўртоқлар бошлиқ қурувчилар бригадалари коллективлари объектни тез ва соз тиклашда барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Ж. ЮСУПОВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

БУГУН — РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ОЗОДЛИК КУНИ

ЗАЛЭУЛИК БАХТИЁР КИШИ

Румин халқи фашизмдан озод этилганидан кейинги йилларда социал-иқтисодий қурилиш йўлида катта муваффақиятларга эришди. Залэуда қурилаётган трубопрокат заводи — Совет—Румыния иқтисодий ҳамкорлигининг энг катта объектларидан бири дир.

Бухарестдан кичикроқ Залэу шаҳригача машинада тахминан бир кун юрасиз, чунки Карпатдаги серпантинлар оша вақтни аниқ айтиб беролмайсиз...

Бизни РКП уезд комитетининг пропаганда бўйича секретари Григоре Белдянунинг кабинетига олиб киришди. У Сэлаж уезди тарихи тўғрисида гапириб берди. Бир вақтлар қолоқ бўлган шу қишлоқ хўжалик ўлкасида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг жами нархи шу йил 10 миллиард лейдан ортади. Шу беш йилликда уезддаги саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 37,7 процент кўпаяди, аҳолининг маданий ва моддий турмуш даражаси анча ошади.

— Ҳозир, — деди секретарь, — уезд халқ хўжалигига керакли бир қанча саноат моллари — бинокорлик материаллари, ўтказгич элементлари, сим, трикотаж маҳсулотлар, ип газлама ва зиғир толасидан тўқилган газлама ишлаб чиқариш соҳасида мамлакатда донг таратмоқда. Автопокришка заводи қуриб битказилмоқда. Аммо замонавий трубопрокат заводи уездимизнинг фахри бўлади, албатта. Бу завод шаҳримизда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилмоқда.

Маҳаллий газетадаги ҳамкасбимиз билан бирга қурилишга бордик. Бўлғуси завод прокат цехининг бошлиғи инженер Суч Лазло бизни меҳмондўстлик билан кутиб олди. Кўлами заводдек келадиган цех бўйлаб юрдик.

— Кўриб турганингиз ТПА-100 маркали совет трубопрокат стани цехимизнинг юраги ҳисобланади, — дейди Суч Лазло. У йилига турли диаметрда 30 минг тонна қувур тайёрлаб чиқаради. Агар шу қувурлар бир-бирига улангса, ер куррасига белбоғ бўлиши мумкин. Бу стан-трубопрокат техникасининг энг сўнгги ютуғидир. Ундаги ҳамма операциялар тамомила автоматлаштирилган. Унинг ускунасида 2200 электрон блок бор. Заводимиз республика саноати шу янги тармоғининг асосчиси ҳисобланади. У бу ердаги кўп минг кишини иш билан таъминлайди. Корхона ишга туширилганидан сўнг маҳсулотининг бир қисми Совет Иттифоқига ҳам юбориб турилади.

— Хўш, кадр масаласи қандай, — деб қизиқдик.

— Стан етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномага биноан Совет Иттифоқи уни ишлатиш учун 55 кишини тайёрлаб бериш мажбуриятини олган. Шулардан 40 киши Никополда таълим олиб бўлди. Менинг ўзим қувур прокат қилиш санъатини СССРда ўрганганман ва Совет Иттифоқидаги ўртоқларимдан беҳоят миннатдорман. Улар бизга чин дўстлар деб қараб сидқидилдан муомалада бўлдилар. Ҳаммалари, цех бошлиғи ўртоқ Сильченкодан тортиб оддий ишчигача қадар орттирган бой тажрибаларини биз билан астойдил баҳам кўрдилар. Мамлакатингиздан кетаётганимда дўстларим қардош халқларимиз ҳаётида янги ажойиб даврни очиб берган киши — В. И. Ленин бюстини коллективимизга топширишимни мендан илтимос қилдилар. Мен уларнинг илтимосини бажо келтирдим. Ҳозир шу бюст завод қизил бурчагида фахрли ўринда турибди.

Суҳбатдошимиз бир дақиқа ўйланиб қолди, сўнгра кулимсираб бундай деди:

— Билсангиз, мен бахтиёр кишиман. Озодлигимиз тенгдошиман десам бўлади. Чунки совет қўшинлари Залэуга келганидан икки ҳафта ўтгач туғилганман. Ана шу воқеа тақдиримни ҳам белгилаб берди. Оддий деҳқон оиласидан чиқиб, олий маълумот олдим, заводимиздаги асосий цехнинг бошлиғи бўлиб ишлаяпман. Шундай қилиб, мен янги даврнинг бахтиёр замонида туғилган авлодга мансубман, чунки совет қўшинларининг мамлакатимизни фашизмдан халос этишга қўшган бебаҳо ҳиссалари туфайли озод мамлакатда яшаш ва ишлаш имкониятига эгаман. Шуни ҳамиша ёдимда тутаман.

Совет Иттифоқидаги ҳамкасбларим билан хайрлашиш менга қийин эди, — деб давом этди С. Лазло. — Буни қарангки, уларнинг баъзилари Залэуга келиб прокат станини монтаж қилишда бизга ёрдам бераптилар. Бундан хўп қувондим. Ҳозир бу ерда инженер Г. Н. Павлушкин раҳбарлигида ўн беш совет мутахассиси ишлаб турибди. Улар бизга Москва, Харьков, Новокузнецк, Свердловск, Никополь, Воронеж ва бошқа шаҳарлардан келишди.

Суч Лазло биз билан хайрлашаётиб бундай деди:

—Совет Иттифоқи замонавий саноатнинг янги тармоғини яратишда бизга ёрдам бермоқда, нодир машина-ускуналарни юбормоқда. Ҳамкорлигимиз ўзаро манфаатлидир. У янги ҳаёт қуришимизга ёрдам бермоқда.

В. КЛИМЕНКО,
ТАСС мухбири.
БУХАРЕСТ.

НАВБАТДАГИ ЁЛҒОН РАД ҚИЛИНДИ

Англиянинг «Дейли телеграф» газетаси гўё аксилинқилобий тўдаларнинг ҳаракатлари натижасида Афғонистон маъмурлари Ҳирот шаҳрини назорат қилишдан ожиз бўлиб қолдилар, деб тарқатган, навбатдаги ёлғон хабар Кобулда рад қилинди.

Ғарб пропаганда воситаларининг Афғонистондаги аҳвол тўғрисида ёлғон-яшиқ тарқатишлари оддий ҳодиса бўлиб қолди, деди М. Рафи Ғарб матбуотида бундай уйдирмалар тиқилиб ётибди. Ғарб мухбирлари бир вақтлар Покистондаги «манбалар»га асосланиб, аксилинқилобчи тўдалар Хост, Бамиан, Гардез шаҳарларини қўлга киритдилар, деб хабар берган эдилар, ўшанда ҳам ҳар сафар бу иғвогарлар изза бўлиб қолган эдилар.

Мана шундай хабарлар, деб таъкидлади пировардида М. Рафи, афғон халқининг эксплуатациядан халос бўлган янги жамият қуриш йўлидаги азму қарорига чидай олмаётган империализмнинг реакцион моҳиятини фош қилади.

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Исроил кнессетининг Қуддусни яҳудийлар давлатининг пойтахти деб эълон қилиш ҳақидаги қарорини қоралаб, ана шу шаҳар характери ва статусини ўзгартириш йўлидаги барча чоралар ҳақиқий эмаслигини эълон қилди.

Резолюция 14 овоз билан қабул қилинди. АҚШ делегацияси бетараф қолиб, Вашингтоннинг Исроил қандай иғвогарликларни қилмасин, ҳеч қандай писандасиз Исроилга ёрдам беришини давом эттиришга шай эканлигини яна бир бор тасдиқлади. (ТАСС).

ҲАРБИЙЛАР ЗЎРАВОНЛИГИ

Бир ой муқаддам Боливияда рўй берган ҳарбий тўнтаришдан сўнг ҳокимиятни эгаллаб олган генерал Гарсия Меса бошчилигидаги ҳарбий хунта мамлакатда жазо чораларини тобора кучайтирмоқда. Ахборот агентликларининг сўнгги телеграммаларидаги рақамлардан маълум бўлишича Боливияда икки мингга яқин киши ҳалок бўлган, икки ярим минг киши қамоққа ташланган, қарийб бир ярим минг киши эса дом-дараксиз йўқолган.

Боливиядаги воқеалар ҳокимият тепасига келган ҳарбий хунта Чилидаги Пиночет режими қабилида ҳаракат қилаётганлигини кўрсатиб турибди. Мамлакатда ҳарбий ҳолатни жорий этган исёнчи генераллар стадионларни концлагерларга айлантирдилар. Ҳарбий хунта халққа қарши жабр-зулмни кучайтирмоқда. Вазият тобора кескинлашиб бораётган бу мамлакатда қотилликлар ва оммавий қамоққа олишлар давом этмоқда.

Суратда: концлагерга айлантирилган Боливар стадионига кираверишда.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

ПЕКИННИНГ ДУШМАНЛИК ХУРУЖЛАРИГА ЗАРБА

ХАНОЙ, 21 август. (ТАСС). ХХР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Хань Няньлун Киодо Цусин агентлигининг мухбири билан суҳбатда душманлик хуружлари қилиб, «Хитой Вьетнамга яна ҳужум қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади», деб айтди. ВСР ташқи ишлар министрлигининг вакили унинг мана шу хуружларини кескин қоралади.

Хитой қуролли иғвогарликларни тинимсиз кучайтираётган, Вьетнам чегарасидаги кескинликни авж олдираётган ва айни вақтда икки мамлакат ўртасидаги музокараларнинг учинчи даврасини ўтказишга тўсқинлик қилаётган бир пайтда урушқоқлик билан мана шундай баёнот берилди, деб уқтиради Вьетнам вакили. Пекин АҚШ билан бирикиб олиб, Лаос ва Кампучия чегараларидаги кескинликни кучайтириш мақсадида Таиландга таъсир ўтказмоқда, Ҳинди-Хитойдаги уч мамлакатнинг Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа давлатлар билан музокараларига халақит беришга, улар орасига душманлик уруғларини сочишга уринишни бас қилмаяпти.

Кенг халқаро жамоатчилик Вьетнам, Лаос ва Кампучия ташқи ишлар министрларининг яқинда Вьентьян конференциясида ўртага қўйилган амалий тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда ва дунёнинг шу районидаги кескинликни юмшатишга ҳисса қўшишга интилмоқда. Хитой министри ўринбосарининг урушқоқликдан иборат гаплари халқларнинг тинчлик муддаосига зид бўлиб тушади ва Хитой ҳукмрон доираларининг Ҳинди-Хитой мамлакатларига қарши курашни давом эттириб, ўзининг гегемончилик мақсадлари йўлида Жануби-Шарқий Осиёдаги кескинликни кучайтиришдан иборат ҳақиқий ниятларини ошкор қилиб қўяди. Пекин ҳукмрон доираларининг босқинчилик сиёсати тинчлик ва стабилликни қўпоришга қаратилганлиги, мустақил давлатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатишга тўсқинлик қилишга қаратилганлиги мутлақо равшан.

ВСР ҳукумати билан Вьетнам халқи Пекиннинг кирдикорларини хушёрлик билан кузатиб турибдилар ва Хитойнинг янги ҳарбий авантюраларига кескин зарба беришга шайдирлар, деб таъкидланади баёнотда.

Президентнинг айтганлари

ТЕҲРОН. Пентагоннинг Эронга қарши зудлик билан қуролли агрессия қилишга ҳозирлик кўраётган бу ерда чуқур ташвиш туғдирмоқда. Ичига 1800 денгиз пиёда аскарлари тушган Американинг десант кемалари Уммон кўрфазига кириб келиши Америка империализмининг Эронга ялпи ҳужум қилиш планининг таркибий қисмидир, деди мамлакат президенти А. Банисадр «Инқилоби ислом» газетасининг мухбири билан суҳбатда.

Банисадр Америка қўшинларининг Форс кўрфази Эрон соҳилига туширилиши эҳтимоли борми деган саволга жавобан ҳозирги вақтда Қўшма Штатлар Эронга бостириб кириш учун ағдариб ташланган шоҳ режими тарафдорлари ва Эрон халқининг хоинлари орасидан ўзлари тайёрлаган газандалардан фойдаланишга уринаётганини айтди.

Эрон раҳбарларининг қўлида Эронга яқин жойлашган мамлакатлар территориясидан Эронга ҳужум қилиш режалари тузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор, деди у. (ТАСС).

КАМПУЧИЯ ЧЕГАРАСИДАГИ ИҒВОГАРЛИКЛАР

Кампучиянинг СПК ахборот агентлиги хабар қилишича, Таиланд маъмурлари Кампучия Халқ Республикаси суверенитетини ва территориал бутунлигини тинимсиз бузиб турибдилар.

15 августдан 17 августгача Таиланднинг ҳарбий самолётлари КХР осмон чегарасини 14 марта бузиб ўтиб, Кахконг ва Поусат вилоятларининг чегарадаги районлари устида разведка мақсадида учиб юрди.

Айни вақтда Таиланд қўшинлари ўз территориясидан туриб мазкур вилоятларнинг бир қанча районларига тўп ва миномётлардан бир неча марта ўқ ёғдирди. (ТАСС).

ОММАВИЙ НАМОЙИШЛАР

Жанубий Африка Республикасининг Кап вилоятидаги Бофорт шаҳрида ирқчиликка қарши оммавий намойишлар бўлмоқда. Полиция намойишчиларга қарши қурол-яроғ ишлатди.

Ирқчилар қўлида ўнлаб кишилар ҳалок бўлди, юзлаб кишилар жароҳатланди.

ЖИНОЯТКОРОНА ФИТНА

«Сан-Франциско кроникл» газетаси Пентагон билан Оқ уйнинг Эронга қарши тайёрлаётган янги қуролли иғвогарлиги тўғрисидаги мақолалардан биринчисини эълон қилди.

Мақола автори обзорчи Ж. Андерсоннинг ёзишича, гарчи октябрь ойининг ўрталарига мўлжалланган бу операция расмий равишда гаровга ушлаб турилган америкаликларни озод қилиш учун ўтказилса ҳам, аслида «Эрондан ўч олиш ҳаракати» тариқасида амалга оширилмоқчи бўлиб турибди. Менинг ёрдамчим Д. Ван Атта, деди у, уч ой мобайнида Эрон территориясига бостириб кириш режасининг манзарасини айрим бўлаклардан тиклаш билан шуғулланди, шу вақт ичида у мазкур планнинг бевосита ижрочилари билан суҳбатлашибгина қолмай, ҳатто «сир тутиладиган муҳрининг ўзи ўта сир ҳисобланган бениҳоя сирли ҳужжатларни шахсан ўз қўли билан ушлаб кўрди».

Андерсоннинг маъмуриятдаги манбалардан олган маълумотларига кўра, АҚШ қуролли кучларининг Эронга бостириб киришини яширин учун ишлаб чиқилган махсус план доирасида ҳозирнинг ўзидаёқ Форс кўрфазида кемалар, самолётлар, денгиз пиёда қўшинлари ва зарур анжомлар тўплаб қўйилган. «Президент қуролли кучлар тайёр, об-ҳаво эса қулай деган қарорга келиши биланоқ бостириб кириш плани тасдиқланади ва имзоланади», деб таъкидлайди обзорчи.

Президент Картер, деб уқтиради у, «бу план ҳозир ишлаб чиқиш жараёнида турганини ва президент уни амалга ошириш ниятини изҳор қилганини инкор қила олмайди... Менинг ёрдамчим Ван Атта ҳужжатларни ўз кўзи билан кўрди, у гувоҳлар билан гаплашди».

Ўта сирли ҳужжатлар шуни кўрсатиб турибдики, деб ёзади обзорчи, АҚШнинг Форс кўрфазидаги қуролли кучларини кўпайтириши айни Эронга қарши қаратилган.

Андерсоннинг мана шу фош қилувчи маълумотлари асосида Американинг «Мидуэй» авианосеци Ҳинд океанига кириб келганлиги тўғрисидаги хабар хатарли маъно касб этади. Бу кема Эрон соҳиллари яқинида АҚШнинг ҳарбий-денгиз эскадраси составида турган зарбдор группаларга бошчилик қилади. Бу авианосецга энг замонавий кирувчи-бомбардимончи, штурмчи самолётлар жойлаштирилган, улар Вашингтондан берилган буйруққа мувофиқ исталган вақтда Эрон территориясидаги ҳар қандай нишонни ер билан яксон қилиб ташлашга тайёр.

Айни вақтда АҚШ орқа томондаги таянч майдонларни ҳам зўр бериб тайёрлаб қўймоқда. Америка қўшинлари шу майдонлардан Эрон тарафга зудлик билан ёпирилиб бориши мумкин. Андерсоннинг берган маълумотларига қараганда, президент Картер шу мақсадда Америка қўшинларини Саудия Арабистонида жойлаштириш ғоясини маҳфий тарзда маъқуллади. Андерсон телевидение орқали сўзга чиқиб, ҳозирнинг ўзидаёқ Вашингтонда АҚШнинг Саудия Арабистонидаги кенг тармоқли ҳарбий базаларини вужудга келтириш планини ишлаб чиқишга киришилганини айтди. Шу базаларда жойлаштирилган Америка жанговар қисмларидан Эроннинг янги ҳукуматига қарши курашда фойдаланиш мумкин, деб таъкидлади Андерсон. АҚШ билан Саудия Арабистони ўртасида шу масала юзасидан маҳфий музокаралар бўлиб ўтди, деди у. Андерсоннинг айтишича, Ар-Риёд Американинг ҳарбий мадади кучайтирилишини талаб қилмоқда, чунки у Эрондаги революциядан «ташвишга тушиб қолди».

Вашингтон Эронга зарба беришга ҳозирлик кўрар экан, ўзининг разил режаларини бажаришга бошқа мамлакатларни ва жумладан, Покистонни ҳам тортмоқда. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, ҳозирги вақтда Саудия Арабистонига Покистон қўшинларининг 10 минг кишилик корпусини юбориш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бу корпусга, башарти, Саудия Арабистонида Америка қуролли кучларининг келиши муносабати билан ғалаён чиққан тақдирда бу мамлакатдаги «ички стабиллик»ни таъминлаш вазифаси топширилади. Америка расмий кишиларининг сўзларига қараганда, деб ёзади газета, кейинги ҳафталарда Покистон армиясининг бир неча катта офицери Саудия Арабистонига бориб «хавфсизлик масалари юзасидан» музокаралар ўтказди. Вашингтондаги расмий кишиларнинг уқтириб айтишича, Картер маъмурияти Покистон қўшинларини Саудия Арабистонида жойлаштириш тўғрисида битимга эришилишини табриклайди, деб таъкидлайди «Нью-Йорк таймс» газетаси.

АҚШда ўрнашиб олган Эроннинг аксилинқилобчи кучлари Вашингтоннинг йўл қўйиб беришидан фойдаланиб, ҳозирнинг ўзидаёқ «Эроннинг янги ҳукумати»ни тузишга киришдилар. Шу мақсадда «Эрон демократик партияси» деб аталган партия тузилганлиги Вашингтондаги матбуот конференциясида эълон қилинди. Бу партия 31 август куни ўз «ҳукумати» составини эълон қилишни мўлжалламоқда. Ўша партия «марказий комитети»нинг вакили «Эрон демократик партияси»ни тузган кишилар Эроннинг ҳозирги ҳукумати билан оятилло Хумайни «тез орада ағдариб ташланишига» аминдирлар, деб айтди.

Агентликларнинг хабарларига қараганда, шу партия ниқоби остида Қўшма Штатларнинг қонуний Эрон ҳукуматини ағдариб ташлаш йўлидаги уринишларига жон жаҳди билан кўмаклашадиган аксилинқилобий ташкилот иш кўрмоқда. (ТАСС).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТАТАРИСТОН АССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚАЛБИМИЗНИ ҲАДЯ ЭТАМИЗ

Л. Г. КУСТАБОЕВА,
Татаристон давлат қўшиқ ва рақс ансамбли бадиий раҳбари, Татаристон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби

— Бизни Қорақалпоқ диёрида зўр қувонч билан қарши олишди. Бугунги кунда қуёшли бу ўлканинг меҳнаткашларига Бутуниттифоқ ва Бутунроссия кўриклари лауреати, А. Тўқай номидаги республика Давлат мукофоти лауреати бўлган ансамблимиз санъаткорлари ўзларининг ажойиб санъатларини намойиш этишмоқда.

Бизнинг ансамбль 30-йиллардаёқ ташкил этилган эди. Унинг юзага келишида А. Ключарев ва З. Ҳабибулин каби таниқли бастакорларнинг хизмати катта бўлган. Ансамблнинг биринчи бадиий раҳбари — Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист Зулайхо Ахметова узоқ йиллар мобайнида ёш раққосалар, хонандалар ва машшоқлар билан кунт қилиб ишлаб келди. Қорақалпоғистон диёрида жаранглаётган ансамбль санъаткорларининг ранго-ранг куй ва қўшиқлари барчага манзур бўлаётганидан бахтиёрмиз.

Балет солистлари рус, татар, қозоқ, бошқирд халқ қўшиқларини, шунингдек қардош республикалар бастакорларининг асарларини зўр маҳорат билан ижро этишмоқда. Татар халқининг «Зубаржат», «Каря урмен», «Фозил ирмоғи» сингари қўшиқлари жуда кўп томошабинларни ҳаяжонга солди. Ансамблимиз санъаткорлари ижросида куйланган қорақалпоқ халқининг «Бибигул» қўшиғи тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди. Татаристон АССР халқ артисти Нафиса Василева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Ф. Гумаров, А. Шарипова, Р. Халиуллин, Ш. Аҳмеджанов, Н. Садиковларнинг чиқишлари барчани ўзига мафтун этмоқда. Ажойиб халқ қўшиқларимизнинг бирида шундай янгроқ сатрлар бор: «Қардошим, мен сенга қалбимни ҳадя этаман!» Бу ибора бизнинг юракдаги тилагимизни ёрқин ифода этади.

БУЮК ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Р. М. НОВИЦКИЙ,
Татаристон халқ «Ёшлик» рақс ансамблининг раҳбари, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

— Бизнинг «Ёшлик» ансамблимиз келаси йил ўзининг 20 йиллигини нишонлайди. Ўтган давр ичида Иттифоқимизнинг жуда кўп бурчакларида ишчилар, хизматчилар ҳузурида ранго-ранг концертлар бердик. Қуёшли Ўзбекистоннинг пойтахтида ҳам бўлганмиз ва тошкентлик санъат шинавандаларини санъатимиздан баҳраманд этганмиз. Қорақалпоқ диёрига илк дафъа келишимиз. Лекин шуни мамнуният билан айтишни истардимки, қорақалпоғистонлик меҳнаткашларнинг меҳмоннавозлиги бизнинг хотирамизда узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиздир.

Бизнинг ансамблимиз Москвада ўтган «Олимпиада-80» маданий программаларида ҳам иштирок этган эди.

Қорақалпоғистонда ўтаётган адабиёт ва санъат кунлари кўтаринки бир руҳ касб этганлиги ва Ф. Галимзиянова, Л. Каримова, Ф. Қадиров сингари санъаткорларимиз ижро этаётган ажойиб рақслар қардош қорақалпоқларга беҳад маъқул тушаётганлиги, табиийки, бизга катта қувонч бағишлайди. Биз қорақалпоқ меҳнаткашларига татар, рус, ҳинд ва куба халқларининг қатор рақсларини ҳавола этамиз.

Қорақалпоқ диёри, бу диёрнинг улкан «оқ олтин» хирмони яратиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорлари, улар амалга ошираётган ишлар, Орол денгизида жавлон уриб, балиқчилик саноати равнақига муносиб улуш қўшаётган балиқчилар меҳнати, умуман, қорақалпоқ халқининг фидокорлиги ва яратувчилик ишлари бизни ўзига мафтун этди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу диёрда ўтаётган республикамиз адабиёти ва санъати кунлари адибларимизда, санъаткорларимизда янгидан-янги ижодий режалар туғдиради, икки қардош халқнинг маданий ҳаётида ёрқин саҳифани ташкил этади.

Усмон АБДУРАҲМОНОВ

СССР Олий Судининг собиқ аъзоси, иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер, 1918 йилдан КПСС аъзоси Усмон Абдураҳмонов оғир ва узоқ давом этган касалликдан сўнг 19 августда 83 ёшида вафот этди.

Меҳнат фаолиятини ёшликдан батраклик қилишдан бошлаган Усмон Абдураҳмонов шонли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг гражданлар уруши йилларидаги бутун фаолияти Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ бўлди. Унинг ёшлиги босмачилар, оқ гвардиячи тўдалар билан жангларда ўтди. Мана шу қийин вақтда Усмон Абдураҳмонов Ўзбекистонда синфий курашнинг оғир участкаларида бўлди. Наманган шаҳрида фавқулодда комиссиянинг аввал аъзоси, кейинчалик раиси бўлиб ишлади.

1923 йилдан Усмон Абдураҳмонов Ўзбекистон суд-прокуратура органларида ишлай бошлади. Область прокурори ёрдамчилигидан Ўзбекистон ССР Олий Суди раислигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

СССР Олий Совети 1938 йил августида Усмон Абдураҳмоновни СССР Олий Судининг аъзоси қилиб тасдиқлади. Бу вазифада у 20 йилга яқин, пенсияга чиққунгача ишлади.

Усмон Абдураҳмонов социалистик қонунчилик ва совет ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг Совет давлати олдидаги хизматлари ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Ишда касбдош ўртоқларига эътиборли, илтифотли муносабати унга ҳақли равишда катта ҳурмат келтирди.

Усмон Абдураҳмоновнинг ёрқин хотираси уни билган ва у билан бирга ишлаган кишилар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

25—31 АВГУСТ

25 АВГУСТ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 —Время. 9.40 —Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.25 — Бадиий фильм. 11.35 — Ҳайвонот — оламида. 13.35 ва 15.00— Янгиликлар. 15.15— Ҳужжатли фильм. 15.35 — Онамларнинг мактаби. 16.05— Фильм-спектакль. 17.45 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 18.15 — «Олимпиада-80» 2 август кинокундалиги. 18.45 — Хоккей бўйича Европа чемпионларининг кубоги. МАСК — «Слован». 20.30 — Олимпиада ўйинларининг ёпилишига бағишланган байрамдан репортаж. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Халқ ижоди.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.20 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 18.45 — Ҳамиша сафда. 19.30— Ахборот. 19.45 — Лирик концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига. 21.30 — Время. 22.05 — Мутахассис маслаҳатлари. 22.25 — Ўз ўрнидаги одам. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 20.45 —Ёшлик. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 22.10 — Усталар. Ҳужжатли фильм. 22.45 — Бахт ваъда қиламан. Бадиий фильм.

26 АВГУСТ СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фильм-спектакль. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Ҳайвонларни ўргатувчилар. Бадиий фильм. 1-2-3-сериялар. 17.40 — Телестадион. 18.10 — Опералардан ариялар. 18.30 — Расмларда қуёш акси бор. 18.45— Инсон ва қонун. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30 — А. Бабажанян. Фортепьяно ижроси учун тўрт пьеса. 19.40 — Совет киноси кунига. 19.55 — Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Кинопанорама. 23.40 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 —Болалар учун фильм. 12.05 — Шеърият мухлисларига. 12.30 — Ўз ўрнидаги одам. Бадиий фильм. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.40 — «Хайр, боғчажон». 19.10 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ғазал оқшоми. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Қорақалпоғистонда Татаристон АССР маданияти кунларининг ёпилиши.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 20.55 — Ҳужжатли фильм. 21.25 — Музикали кўрсатув. 22.15 — Олишув. Бадиий фильм.

27 АВГУСТ ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Оқ Бим, Қора Қулоқ. Бадиий фильм 1-серия. 11.40— Киносаёҳатчилар клуби. 12.40 ва 14.55 — Янгиликлар. 15.10 — Ҳужжатли фильм. 16.05 — Рус тили. 16.35 — Мураббий. 17.05 — «Горнчилар қаердасиз»! 17.35—Концерт. 18.20—Ҳунар-техника таълими системасида янги ўқув йилининг бошланишига. 18.50 — Қувноқ нотачалар. 19.05— Дунё воқеалари. 19.20 — Фан ва ҳаёт. 20.05 — Оқ Бим, Қора Қулоқ. Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05— Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.40 — Қирол овга чиқади. Спектакль. 13.00 — Шеърий композиция. 18.30 — Эй, Ковбойлар. Бадиий фильм. 18.20— Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.15 — Ҳунар-техника таълими янги ўқув йилида. 19.30— Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон зардўзлиги ва заргарлик безаклари. 20.15 — Ноз-неъмат бунёдкори. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30—Время. 22.05 — Тошкент трактор заводи қурилишида. 22.35 —Кино оламида.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ёшлик. 20.55 — Реклама. 21.10 — Ҳужжатли фильм. 21.55 — Адабий театр. 22.30— Жиноят қидирув инспектори. Бадиий фильм.

28 АВГУСТ ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Оқ Бим, Қора Қулоқ. Бадиий фильм 2-серия. 11.30 — «Горнчилар, қаердасиз»! 12.00 — В. Моцарт. 22-квартет. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Шахмат мактаби. 16.25 — Ҳайвонларни ўргатувчилар. Бадиий фильм 4-5 сериялар. 17.15 — Янги ўқув йилининг бошланишига. 17.45—Фан ва техника. 17.55 — Футбол. Венгрия — СССР Танаффусда — дунё воқеалари. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.15 — Концерт. Танаффусда — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.55 — Телевизион новеллалар театри. 12.40 — Кашф этилмаган ороллар. Бадиий фильм. 13.45 — Замандас. 18.15 — Болалар учун концерт. 18.45 — Ўзбекистон гигиенистлари, санитария врачлари, эпидемиологлари, микробиологлари ва инфекционистларининг IV съездига. 19.15— Янги ўқув йили бошланишига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Салом Қозоғистон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30— Время. 22.15 — Қишлоқ меҳнаткашлари съездолди вахтасида. 22.30 — Н. Мамедова куйлайди.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 21.00 — Ёшлик. 21.30 — Телефильм. 22.20 — Қўшиқлар парвози. Бадиий фильм.

29 АВГУСТ ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Олимпиадачилар орамизда. 11.00 — Концерт. 11.10 — Болалар учун фильм. 12.20 — Концерт. 12.55 — Қозоғистон ССР ва Қозоғистон Коммунистик партиясининг 60 йиллик юбилейига. 14.30 — Ҳужжатли фильмлар. 15.20 — Янгиликлар. 15.40 — Ф. Шопен 24 та прелюдиялар. 16.20 — Ҳайвонларни ўргатувчилар. Бадиий фильм 6-7-сериялар. 17.15 — Ҳужжатли фильм. 17.40 — Москва ва москваликлар. 18.10 — Ўсмирлар ижоди. 18.40 — Олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқув йилининг бошланишига. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Коммунист. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.30 — Концерт. 24.00 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Мультфильм. 11.40 — Светофор. 12.15—Фильм-концерт. 12.55 — Москва. Қозоғистон ССР ва Қозоғистон коммунистик партиясининг 60 йиллигига бағишланган информацион программа. 18.20 —Ёшлик. 18.50 — Инсон болаликдан бошланади. 19.15 — Янги ўқув йили арафасида. 19.30— Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильмлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.30 — Болалар ери. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Болалар учун фильм. 20.45 — Пойтахт область далаларида. 21.15 — Балетлардан саҳналар. 22.05 — Ёшлик тонгида. Бадиий фильм.

30 АВГУСТ ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 10.05 —Гимнастика. 10.25 — Концерт. 10.55 — Ота-оналар. Сизлар учун. 11.25 — Жаҳон халқлари ижоди. 11.55 — Сизни қизиқтирган китоблар. 12.40 —Москвичка. 13.55 — Объектив. 14.25 — Спортлото. 14.40 — Дунё воқеалари. 14.55 — Адресимиз Совет Иттифоқи. 15.40 — Ер ва осмон саргузаштлари. Бадиий фильм. 16.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.45 — Қозоғистон ССР ва Қозоғистон Коммунистик партиясининг 60 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва Олмаота меҳнаткашларининг намойиши. 18.15 — Фильм-концерт. 18.40 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 19.10 — О. Бардина куйлайди. 19.30 — Инсон. Ер. Коинот. 20.20 — Тугалланмаган дарс. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Олмаота дўстларни кутиб олмоқда. 00.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Телеминиатюралар. 10.55 — Мультипанорама. 11.30 — Биз мактабга борамиз. 11.50 —Ўзбекистон Олимпиада йилида. 12.30 — Актёрлар ва роллар. 13.50 — Онамларнинг мактаби. 14.20 — Концерт. 16.15 — Дўстлик экрани. 17.15 — Ҳужжатли фильм. 17.45 — Москва. Қозоғистон ССР ва республика Коммунистик партияси 60 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва Олмаота меҳнаткашларининг намойиши. 18.15 — Болалар учун фильм. 19.00 — Салом, 1-синф ўқувчиси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Назм ва наво. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Назм ва навонинг давоми. 21.30 — Время. 22.15 — Оламда нима гап? 22.45 — Совет кино усталари. Наби Ғаниев.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.00 — Душанба кўрсатувлари.

31 АВГУСТ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Зарядкага сафланинг. 10.15 — Будильник. 10.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.45 — Здоровье. 12.30 — Тонгги почта. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Қизил ва қора. Бадиий фильм. 4-серия. 15.35 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Бугун — шахтёрлар куни. 16.25 — Хатларингиз асосида. 17.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15— Олимпиадачилар уйларига қайтиб келдилар. 19.30 — Концерт. 20.20 — Тугалланмаган дарс. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.10 — Олимпиада рекордлари. 23.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Концерт. 10.50 — Ҳужжатли фильм. 11.40 — Шахмат мактаби. 12.10 — Қувноқ стартлар. 13.10 — Телетеатр. 14.10 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 14.50 — Реклама. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.35 — Болалар учун концерт. 19.05 —Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Интерцирк-80. 2-кўрсатув. 20.30— Ахборот. 20.50 — Бугун — шахтёрлар куни. 21.30—Время. 22.05 — Комплекс механизация — пахтачиликда асосий йўналиш. 22.10 — Б. Ҳамдамов концерти.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.15 — Фрунзе кўрсатувлари.

Реклама ва эълонлар

Т. Н. ҚОРИ-НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

халқ маорифи экономикаси ва уни планлаштириш бўлими мудири вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда педагогика ёки иқтисод фанлари докторлари ва кандидатлари иштирок этиши мумкин.

Конкурс муддати — 2 сентябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700003, Тошкент шаҳри-3, Олмазор кўчаси, 174-уй.

●

А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЕАТР ВА РАССОМЛИК САНЪАТИ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Профессор — режиссура; **доцентлар** — драма театри ва кино актёри маҳорати, вокал, тасвирий санъат, сиёсий иқтисод ва КПСС тарихи, расм (2 ўрин); **катта ўқитувчилар:** театр декорацион тасвирий санъати, театр ва кино актёри маҳорати (2), режиссура, тасвирий санъат.

Конкурс муддати —2 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: 700031, Тошкент шаҳри — 31, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй. Телефон 56-28-80.

⊙

«Главташкентстрой» «Строймеханизация» трестининг

54-МЕХАНИЗАЦИЯ бошқармаси

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун минорали кран машинистларини тайёрлайдиган курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган йигитлар ҳамда 18 ва ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинади.

Маълумоти камида 8 синф ҳажмида бўлиши керак.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати 4 ярим ой.

Машғулотлар группалар тўлишига қараб бошланади.

Ёлғизлар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй (4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 9, 13, 15, 16-троллейбуслар; 18-автобуснинг «Радость» магазини» бекати).

●

Полиграфия саноати корхоналарини комплекс лойиҳалаштириш Давлат лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтининг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришни лойиҳалаш проблемалари: катта илмий ходимлар (2-фан кандидатлари, ишлаб чиқариш стажига эга бўлган мутахассислар), кичик илмий ходимлар (2 ўрин); **инженерлик қурилмаларини лойиҳалаш проблемалари:** катта илмий ходим.

Конкурс муддати —3 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Марказ-14 квартали, 33-уй.

●

Тошкент алоқа политехникуми

(мажлислар залида)

20 СЕНТЯБРЬ СОАТ 16.00 ДА

техникум ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган

ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Адрес: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (10 троллейбус, 14, 48-автобусларнинг «Лабзак», 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Физиология институти маъмурияти ва жамоат ташкилотлари катта илмий ходим, биология фанлари кандидати Р. С. Каримовга онаси

Манзура МИРКОМИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СПОРТ

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ХАНОЙ. Вьетнам Социалистик Республикасида меҳмон бўлиб турган самарқандлик динамочилар иккинчи халқаро ўртоқлик учрашувида куч синашдилар. Вакилларимиз вьетнамлик клубдошлари билан ўтказилган биринчи ўйинда [1:0] муваффақият қозонган эдилар. Хайфон шаҳрида ўтказилган иккинчи учрашувда 2:2 ҳисоби қайд қилинди. Ҳисобни биринчи бўлиб майдон эгалари очдилар. Лекин танаффусгача меҳмонлар жавоб тўпи киритишга улгуришди. Танаффусдан кейин ҳам дарвозаларга биттадан тўп киритилди.

● ТОШКЕНТ. «Пахтакор» навбатдаги учрашувни «Нефтчи» командаси билан ўтказди. Учрашув 2:2 ҳисобида тугади. Тўпларни Қурбонов, Антёнов, Якубик ва Пономаревлар киритдилар. «Пахтакор» очколарини 16 тага етказиб, ўйинлар жадвалида бир поғонага юқорига кўтарилди. Пешқадамлардан спартакчилар билан киевлик динамочилар мавқеларини мустаҳкамлашди. Учинчи ўринни эгаллаб турган «Зенит» бир поғона пастлаб, ЦСКА юқорига кўтарилди. Мамлакат чемпионатининг 20-тур ўйинларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Динамо» [Тб] — «Черноморец» — 1:0, «Динамо» [К] — «Қайрат» — 5:0, «Шахтёр» — «Арарат» —2:2, «Кубань» — ЦСКА — 0:1, «Динамо» [Мн] — «Карпат»]— 3:1, «Торпедо» — «Спартак»— 0:2, СКА — «Зенит» — 0:0 Тур ўйинлари кеча «Локомотив» — «Динамо» [М] учрашуви билан якунланди. Мазкур турда дарвозаларга 21 та тўп киритилди. «Спартак» 30 очко билан олдинда боряпти. Киевлик динамочилар 29 та очко тўплашган бўлса, ЦСКА ҳисобида 25 та очко бор.

● ЖИЗЗАХ. «Бўстон» футболчилари мавқеларини бўшаштириб юборяптилар. «Бўстон» бу сафар Ивано-Франковскнинг «Спартак» коллективини қабул қилиб [0:1] яна имкониятни бой берди. «Таврия» футболчилари «Торпедо» майдонида ютқазиб [0:2], очколари 37 талигича қолди. «Днепр» командаси ҳисобида ҳам шунча очко бор. Бу коллектив «Крилья Советов» командаси [2:0] билан учрашди. «Металлист» футболчилари 36 очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди.

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги 1-нон заводи республикамизнинг энг кекса корхоналаридан биридир. Бу ерда бир кеча-кундузда 80 тоннадан ортиқ нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Суратда: халқ назоратчиларидан В. А. Красилова, Ш. Мирзаева ҳамда И. Шамсиевалар нон сифатини текширувдан ўтказишяпти.

И. Глауберзон фотоси.

ПОЙТАХТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ:

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Мана ўн саккиз йилдирки, Тошкент ва Хасково тўқимачиларининг дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Улар ўзлари қўлга киритаётган муваффақиятлар, илғор тажриба ва меҳнатни ташкил этишдаги янгиликлар билан доимо ўртоқлашадилар. Яқинда бир гуруҳ болгариялик тўқимачилар пойтахтимиз меҳмони бўлишди.

Димитров номли тўқимачилик комбинати Болгария Халқ Республикасининг қудратли корхоналаридан биридир. Бу ерда йил сайин маҳсулот тури кўпайиб, унинг сифати яхшиланмоқда. Ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги ошиб боряпти.

Комбинат директори А. Панев, тўқимачилик цехи бошлиғи Й. Тодорова илғор тўқувчи Й. Йовчева пойтахт тўқимачиларининг меҳнати билан яқиндан танишдилар. Мусобақадош дўстлар социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги билан қизиқдилар. Болгариялик тўқувчи Й. Йовчева тошкентлик дугонаси К. Ёқубовани мусобақага чақирган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати К. Ёқубова бу даъватга жавобан беш йилликнинг якунловчи йилида икки йиллик топшириқни бажаришга сўз берди.

Болгариялик дўстлар Тошкент тўқимачилик комбинати цехларида, маданият саройида, болалар муассасаларида бўлишди.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

БУНЁДКОР ЁШЛАР

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига янада зўр ғайрат билан меҳнат қиламиз, — Тошкент шаҳри ва пойтахт области олий ўқув юртлари ҳамда техникумлари студентларидан ташкил топган зарбдор қурилиш отрядларининг шиори ана шундай.

Чирчиқдаги капролактам ишлаб чиқариш комплекси қурилишида олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студентлари жадал ишлашяпти. Ўзаро ҳамкорлик, меҳнатда мусобақадошлик ютуқлар гарови бўлмоқда. Қурилишда ҳар куни жанговар варақалар чиқарилмоқда. Тошкент политехника институти, Оҳангарон бинокорлик материаллари саноати техникуми, Чирчиқ медицина билим юрти талабалари энг илғор студент-ёшлар сифатида тез-тез тилга олинмоқда.

Ҳар ўн кунда ғолиблар аниқланиб, уларга эсдалик вимпеллари топширилмоқда. 250 студент-ёш Тошкент область комсомол комитети ва Тошкент шаҳар комсомол комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА— КЕНГ ЙЎЛ

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи-хизматчилари тайёрлаётган маҳсулотлардан 87 таси Сифат белгиси олган.

Яқинда бирлашмада тайёрланаётган янги хил маҳсулотлар давлат аттестациясидан ўтказилди. Фахрли беш қиррали Сифат белгисига эга бўлган маҳсулотлар орасида болаларнинг кўйлак ва жакетлари, хотин-қизларнинг костюми ва спорт костюми бор.

Куни кеча Сифат белгиси олган маҳсулотларнинг дастлабки туркуми савдо шоҳобчаларига жўнатилди. Янги маҳсулотлар элга манзур бўлмоқда.

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.35 — Гимнастика. 10.00 — Буратино. 10.30 — Лўли. Бадиий фильм, 4-серия. 11.55 — Ота-оналар, Сизлар учун. 12.25 — Хоккей. Европа чемпионлари кубоги. ЦСКА — «Модо» (Швеция). 14.10 — Сиз бунга қодирсиз. 14.55 — Спортлото. 15.10 — Советлар ва ҳаёт. 15.40 — Эрмитаж. 16.10 — Дунё воқеалари. 16.25 — Ҳайвонот оламида. 17.25 — Румыния халқ миллий байрами. 18.25 — Мультфильм. 18.45 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 19.15 — Олимпиада — 80. 31 июль кинокундалиги. 19.35 — Ҳамдўстлик. 20.20 — Рицарь орзуси. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Олимпиада қишлоғи маданият марказининг ёпилишига бағишланган концерт. 23.15 — Ҳужжатли фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.55 — Балетмейстер Қодир Мўминов. 11.35 — Пушкин эртаклари. 12.25 — Ёшлик. 12.55 — Одам бўлмайди. Бадиий фильм. 14.25 — Ўзбекистон спорти. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.30 — До-ре-ми-фа-соль. 19.00 — Ота-оналар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 22.20 — Турмуш маданияти — ҳаёт зийнати.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.35 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ғ. Тошматов ва М. Мирзаев қўшиқлари. 9.30 — Ёшлик. 10.25 — Дугоналар. 11.30 — Енгил куйлар. 12.30 — Кечки таълим: иш ва режалар. 13.00 — Беш йиллик план — муддатидан илгари. 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — Пахта йиғим-теримига тайёргарликни текширамиз. 16.10 — Торлар сайраганда. 17.30 — Концерт. 18.15 — «Социалистик мусобақани ривожлантира бориб». 19.45 — Най наволари. 20.25— Сахий ёз. 20.50 — Руминия фашист босқинчиларидан озод этилган кунга. 21.00 — Шу куннинг қўшиқлари. 22.30 — Ўзбекистон артистларининг концерти. 23.20 —Концертнинг давоми.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси —32-55-70, халқаро ҳаёт —32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р—03160 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 194. 9